

Oila va jamiyat

Мультфильмлар ҳам болаларда нутқни ўстириш, теран фикрлаш, кенг дунёқараш каби бир қанча ижобий сифатларни шакллантиради. Бироқ ғўр ғўдақнинг, боланинг савиясида шахвоний ҳисларга илиқ муносабат уйғотаётган, маккорлик ва эгри йўл сари чорлаётган мультфильмлар ҳам йўқ эмас-ку!

@oilavajamiyatgazetasi_bot



SAVIYASI “MO‘RT” MULTIFILMLAR

bola tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda

●8

Tuhmat girdobidagi ayol



Бир куни ишга бориб яна тоби қочиб қайтиб келса, дарвозахона қулф, аммо орқа эшик очикмиш. Қўрқиб уйга отилибди. Қарасаки, бир йигит қочяпти. Қизнинг қилмиши очилгач опа буни қайнопасига айтиб, боши балога қолган. Она бола биргалашиб Дилдора опага туҳмат уюштиришган. Уни суюқоёқликда айблаб, қайнонасига ёмонлашган. Қайнона ҳам бева келинга эмас, ўз қизига ишонган. ●5

“AVAZ, JIM YUR AVAZ!”

yoxud mayizga ketgan rais

Тўғриси айтсак, кейинги пайтларда санъаткорлар ўртасида маънан саёз, оддий жумлалардан иборат бўлган бачкана сўзларни мусиқага солиб куйлаш урфга кирди. Гўёки шундай қилинса уларга машхурлик эшиги ўз-ўзидан очиладигандек. Улар билмайдик бундай кўшиқларнинг умри қисқа, эртаси йўқ. Хўш, бугунги ёшларни шундай кўшиқларга муносабатлари қандай? ●7

Qiz bola qachon baxtli bo'ladi?

Хўш, қизларнинг нимага ўзига ишончи ортиқ бўлиши керак?...деган юқоридаги саволга жавоб: чунки қиз бола келгусида аёл – она. У фарзанд тарбиялаши керак. Кучли, ўзига ишонган, жасур аёлларнинг фарзандлари ҳам худди шундай кучли, ўзига ишонган, жасур бўлиб вояга етадилар. Бахтли ва ҳаётда муваффақиятга эришиш учун ҳар бир инсон ўзига ишончи баланд бўлиши лозим. Яхши она нафақат яхши уй бекаси, балки яхши суҳбатдош, ўзига ишонган, кучли аёлдир... До-нишмандлардан бири айтганидек: “Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилаيمان” Дунёнинг яхшила-ниши – сиз билан мен фақат ҳаё, ибодати бўлишни талаб қилаётган, уй бекалигигагина тайёрлаётган қизларимизга боғлиқ эканлигини унутиб, қизингизда ўзига бўлган ишончини тарбияланг! ●6

– Ассалому алайкум амаки, ниқоб олмайсизми?
– Ваалайкум ассалом, болакай пулим йўқ-да.
– Олаверинг, сизга текинга бераман.
– Ойинг уришмайдими текинга берсанг?



●4
Niқob sotuvchi bola

YANGI BINO YANGI IMKONIYATLARGA ZAMIN YARATADI



Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Маматов, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири С.Турманов, Амударё тумани ҳокими С.Йўлдошев ва кенг жамоатчилик вакилла-

ри иштирок этди.

Тантанали маросимда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, уни энг халқчил тузилмага айлантириш, жамиятдаги нуфузини ошириш ва мустақамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самара бераётганини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида тумандаги бир қатор фуқаролар йиғинлари биноларининг моддий-техник базаси ва бу ерда ходимларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилган шароитлар атрофлича ўрганилди.

Жумладан, «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилиб, аҳоли, айниқса эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш юзасидан фуқаролар йиғини ходимларига зарур таклиф ва топшириқлар берилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Акселераторининг онлайн йиғилиши ўтказилди.

OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

Гуруҳ аъзолари, вазирлик ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мулоқотда мамлакатимизда "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш" соҳасидаги муаммолар, хусусан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари атрофлича

муҳокама этилди.

Йиғилишда, шунингдек, соҳага доир ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг якуний баёни, кўлами, босқичлари, мақсадли кўрсаткичлари ва амалиётга жорий этиш механизмлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Онлайн мулоқотда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Марям Абдукаримова ҳам ўз таклифлари билан иштирок этди.

KAMCHILIKLAR BARTARAF ETILDI

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов маҳаллалар фаолиятини яқиндан ўрганиш, тизимда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.



Дастлаб, Бўзатов туманидаги "Ёшлар маркази"да нурунийлар ва иқтидорли ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Сўхбат давомида тумanning янгидан ташкил этилиши натижасида ҳудудда аҳолига яратилаётган қулайликлар, амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларда кекса авлод вакиллариининг ўрнини янада мустақамлашборасида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди. Шу билан бирга, эртамиз эгаларининг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг истеъдодларини янада ривожлантириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Шундан сўнг, вазир Р.Маматов яқинда фаолиятини бошлаган "Bozotaw textile" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Ходимлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини атрофлича ўрганиш ва таклифларини тинглади.

Кейинги манзил эса "Бўзатов" шаҳарча фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Жугинис Жуманазаров хонадони бўлди. Хонадон эгаси билан суҳбат давомида унга шахсий томорқа ва иссиқхонадан

самарали фойдаланиш орқали даромад топиш ва оила аъзолари бандлигини таъминлаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдириб, бундай саъй-ҳаракатларни кенг ёйиш, уни бошқаларга ҳам намуна қилиб кўрсатиш кераклигини таъкидлади.

Бундан ташқари, вазир Р.Маматов «Бўзатов» ва «Қусханатаў» фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб, ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган эътибор ҳамда жиноятчилик ва ажримларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, фуқаролар йиғинлари биноларининг моддий-техник базаси ва маҳалла раислари ва ўринбосарларининг самарали фаолият олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Шунингдек, соҳада эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, тизимда самарадорликни янада ошириш юзасидан ходимларга зарур топшириқлар берди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

ЕНТИYOJMAND OILALAR HOLIDAN

ХАВАР ОЛИНДИ

2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Республика Ишчи гуруҳи мазкур туманда фаолият олиб бормоқда.

Ишчи гуруҳ аъзоси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова тумандаги маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида оилаларга кириб бориб, аҳоли турли қатлами, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишмоқда. Мулоқотлар чоғида уларнинг талаб ва истакларига эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чоралари кўриломоқда.

Жумладан, ташриф давомида "Ойбулоқ" маҳалла

фуқаролар йиғинида яшовчи Гулзира Турғунбоева ва унинг II гуруҳ ногирони бўлган фарзанди Ойдин Турғунбоеванинг ҳолидан хабар олинди. Оиланинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлиги инobatга олиниб, бу масалада амалий ёрдам бериш белгиланди.

Шунингдек, Г.Маъруфова ишдан ташқари, 4 нафар фарзанди таълим-тарбияси билан машғул бўлаётган ва шахсий томорқадан унумли фойдаланиб, кўшимча даромад топаётган хонадон келини Шахло Турғунбоевага алоҳида миннатдорчилик билдириб, унинг ҳаёт тажрибаси бошқа хотин-қизлар учун ибрат ва намуна эканини таъкидлади.



YUKSAK JAHONIY E'TIROF

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқининг энг муҳим қисмлари:

* БМТ шафелигида пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклиф этилди;

* Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирилди.



Давлатимиз раҳбари илк марта БМТда ўзбек тилида нутқ сўзлади. Президентимиз ушбу нутқи орқали она тилимизни нақадар жозибали оҳангдор эканлигини бутун дунёга намён этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дунёдаги ва минтақадаги муаммолар хусусида Ўзбекистоннинг сиёсий ёндашувини аниқ ва теран ёритиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг етмиш бешинчи сессиясида нутқ сўзлади. Мазкур Бош Ассамблеянинг марказий тадбирлари жаҳонда вужудга келган эпидемиологик вазият туфайли БМТ тарихида илк бор видеоанжуман шаклида бўлиб ўтди. Эътиборли томони ва бизни қувонтирадиган жиҳати давлатимиз раҳбари илк марта БМТда ўзбек тилида нутқ сўзлади. Президентимиз ушбу нутқи орқали она тилимизни нақадар жозибали оҳангдор эканлигини бутун дунёга намён этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дунёдаги ва минтақадаги муаммолар хусусида Ўзбекистоннинг сиёсий ёндашувини аниқ ва теран ёритиб берди.

Ўзбек миллий маданиятининг жонкуяри, маърифат фидойиси Абдулла Авлоний "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур", деган сўзлари нақадар ҳақиқат.

Тилга эътиборли бўлиш, тилни ҳурмат қилиш бу халқини ҳурмат қилиш, халқига бўлган муҳаббатини билдиради. Яна бир бор Юртбошимиз ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатини намён этди. Бу муҳаббат она тилига, аёлга, ватанга

бўлган муҳаббатдир.

"Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир".

Президентимизнинг ушбу сўзлари маърузанинг қаймоғи десак бўлади. Инсон аввало, дунёга нима учун келади? У бахтли, тинч, фаровон ҳаёт кечирши мумкинку афсуски мамлакатлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар инсоннинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиршига монелик қилмоқда. Президент орзу мақсадларимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун ўта муҳим бўлган муаммоларга тўхталиб, ушбу масалаларга барчанинг эътиборини қаратди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилидаги илгари сурган ғоя ва таклифлари дунё жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлганлиги барча ватандошларимизни беҳад хурсанд этди. Айниқса дунё экспертлари ва таҳлилчилари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда ва юксак эътирофга сабаб бўлмоқда. Жумладан;

Испаниянинг «Galicia Digital» нашрида 25 сентябрь куни эълон қилинган «Янги Ўзбекистоннинг ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти учун қизиқарли ва долзарбдир» сарлавҳали мақолада қуйидаги фикрлар бор:

"Қайд этиш жоиз, Ш.Мирзиёев нафақат замонамизнинг долзарб ма-

салалари тўғрисида фикр юритади, балки келажакка ҳам чуқур нигоҳ билан боқади: зеро ёшларга ғамхўрлик – гўзал ва фаровон келажакимиз учун ютқазилмайдиган инвестиция. Ш.Мирзиёев дунё етакчиларини бу ҳақда ўйлашга, бу йўналишда биргаликда ҳаракат қилишга ва ёш авлод учун муносиб келажакни таъминлашга чақиради".

"Блумберг-Туркия" (Туркия) ҳам Ўзбекистон Президентининг БМТ минбаридидаги чиқишини эътироф этар экан, Ўзгат-Бозок университетининг иқтисодий ва бошқарув билимлари факультети декани Куршад Зорлу Президент Мирзиёевнинг мурожаатини бутун Марказий Осиё ва Туркия учун жуда муҳим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, БМТда ўзбек тилида янграган нутқ – бу миллий илдизларга берилган урғу, охириги тўрт йилда қўшни туркий тилли давлатлар билан мустақкам алоқаларнинг йўлга қўйилиши бунинг яққол исботидир.

Мана шундай юксак давомли эътирофни Афғонистон миллий исломий ҳаракати асосчиси, Афғонистон ўзбеклари раҳбари Маршал Абдул Рашид Дўстум томонидан айрилган фикрлари ҳам тасдиқлайди. Бу ҳақда Абдул Рашид Дўстум: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқини алоҳида тарихий воқеа деб ҳисоблайман. Бу нутқда дунёдаги ва минтақадаги муаммолар хусусида Ўзбекистон сиёсий ёндашуви аниқ ва теран ёритиб берилган".

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилаган бу таклифлар дунё миқёсидаги эзгу ғояларнинг ўз амалий натижаси сифатида инсон бахти камолоти учун хизмат қилади.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси.

YOSHLAR KATTALARDAN KIMNI O'QIYDI?

Бугунги сўровимизда ёш ижодкорлар катта ёшли шоир ва адиблардан кимларни севиб мутолаа қилади деган савол билан ёшларга мурожаат қилдик. Жавоблар турлича бўлди.

Хуршид Абдурашид: "Асосан интернетда деярли ҳамма катта ижодкорларни ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Адабий газета ва журналларни ҳам имкон борича кузатаман. Катталар нимани ёзаяпти? Бу мен учун қизиқ. Насрда доимо катта қизиқиш билан кузатиб борадиганим устоз Набижон Боқий. Қолаверса, Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам, Луқмон Бўрихонларни ижоди мени ўзига жалб қилади. Шеърятда Гулноз Мўминова, Нодира Афоқова, кейин охириги пайтларда Муҳаммадсиддиқ Раҳматов акаимизни ижодларига эътиборим катта. Катта ижодкорлар унчалик фаол эмасдай туюлади, назаримда. Балки, бу уларнинг биз ёшлар каби андишасиз эмасликларидандир. Тагин билмадим. Ўтган устоз ижодкорларнинг жойлари жаннатдан бўлсин. Уларни

ўқийверсам, ҳар сатри янгидай, кеча ёзилгандай туюлаверади. Улуғлар руҳи ёр бўлиб, адабиётимиз юксалаверсин".

Шерзод Ортиқов: "Катта ёшли адиблардан фақат Назар Эшонкул ва Абдуқайюм Йўлдошни ўқийман. Қолган



“ Катта ёшли шоирлардан ҳеч кимни ўқимайман. Уларнинг ҳеч бирини ижоди мени ўзига тортмаган. Балки, мен сюжетли ва реалистик поэзияни хуш кўрганим учун уларнинг пафос ва ташбеҳларга тўла поэзияси ёқмас. Драматурглар ҳақида гапирадиган бўлсам, бизда ҳали ҳақиқий драматургия шаклланигани йўқ. ”

катта ёшли адибларга қизиқмаганман. Улар ўта миллий, жўн ва примитив ёзишади. Катта ёшли шоирлардан ҳеч кимни ўқимайман. Уларнинг ҳеч бирини ижоди мени ўзига тортмаган. Балки мен сюжетли ва реалистик поэзияни хуш кўрганим учун уларнинг пафос ва ташбеҳларга тўла поэзияси ёқмас. Драматурглар ҳақида гапирадиган бўлсам, бизда ҳали ҳақиқий драматургия шаклланигани йўқ".

Боборавшан: "Ёзувчи бўламан деган киши устоз, айниқса замондош ижодкорларни мунтазам кузатиб бориши керак. Ижодий, ҳаётий тажрибага эга ижодкорнинг айнаи замон дарду изтиробларини қай йўсин идрок ва ифода этиши йўлбошида турганлар учун мактаб вазифасини ўтайди. Шу маъ-

нода мен ҳам устозлар ижоди билан танишиб боришга уринаман. Аксарият ҳолларда эса Эркин Аъзам, Усмон Азим, Исажон Султон, Муҳаммад Шариф, Собир Унар, Шойим Бўтаев, Эшқобил Шукур, Қўчқор Норқобил каби устозлар ижодини кузатиб бораман".

Шахриёр Шавкат: "Катта ёшли ижодкорларнинг кўпчилиги, менимча, ижод билан жиддий шуғулланмай қўйишган. Кўпгина устозларнинг ёшлиқда ёзган асарларини ўқийман. Аммо ойнанинг ўн беши ёруғ деганларидек... Азиз Саид, Хуршид Даврон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Муҳаммад Дўст, Назар Эшонкул, Одил Икром каби устозларнинг янги ёзган шеърлари, ҳикоя ёки таржималарини топишга ва ўқишга иштиёқим баланд. Facebook орқали Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Абдулҳамид Пардаев, Ўроз Ҳайдар, Нилуфар Умарова, Гулноз Мўминова, Хосият Рустомова, Нодира Афоқова, Луқмон Бўрихон, Бектемир Пирнафасов каби ижодкорларнинг янги ёзилган ижод намуналарини ўқиб бораман".

Нодирабегим ёзиб олди.

Niqob sotuvchi bola

Аслида у бекатга бориб онаси тикиб берган ниқобларни сотмоқчи эди. Лекин йўлнинг бошқа бир четида анча вақт туриб қолди. Синфдош қиз юзида ниқоб бўлгани учун уни танимади. “Тезроқ автобус келса эди, бу нигоҳлардан қутуларди” бола шундай деб ўйларди. У асосан тонгда, эгни юпун, ниқобларни олиб чиқиб кетарди.

Кун исиб кетса ортиқча юк қилиб кийимини кўтариб юргиси келмас, беихтиёр қаергадир ташлаб уни йўқотиб қўйишдан кўрқарди. Ҳозир ҳам ҳамма унинг эгнидаги юпун кийимини, митти елкасида кўтариб олган ниқобларини гапирарди. Ачиниш билан қараётган кўзлар кўпаяр, қизнинг нигоҳида ҳам шуни кўрар эди. Бир йўловчининг овози хаёлини бўлди. Ниқобнинг нархини сўради ва биттасини танлади:

Бола пулни авайлаб тахлади. Бекатга қараганида синфдоши аллақачон манзили томон кетганини кўрди, кўнгли тинчланди. Дадаси борлигида яхши эди. Ўшанда унга ҳар кун нимадир олиб келарди. Иккита олма кўтариб келса бугун пули кам қолганини, ўйинчоқ олиб келганида яна дадасининг иши яхшиланганини биларди. Ҳозир эса “Ҳеч нарса олиб келмас ҳам дадам бўлгани яхши эди” деб кўп ўйлайди. Онаси баъзан бошини силаб: – Ўғлим, дадам йўқ деб ўксима, даданг осмонлардан сенга қараб турибди. Уни ҳар эслаганинда дуо қилгин, шунда у хурсанд бўлади.

Бугун ҳашаматли савдо марказини олдида ниқоб сотяпти. Кун совуқ бўлгани учун ҳам бошқа сотувчилар йўқ. Бола бу ерга келганига хурсанд бўлди. Чунки анча ниқоб сотилди. Узоқдан башанг кийинган амакининг телефонда ким биландир гаплашиб турганини кўриб олди борди.

– Ассалому алайкум амаки, ниқоб олмайсизми?

– Ваалайкум ассалом, болакай пулим йўқ-да.

– Олаверинг, сизга текинга бераман.

– Ойинг уришмайдами текинга берсанг?

– Йўқ, уришмайди, ҳозир ёмон касаллик юрибди. Муҳтожларга ниқобни текинга бер деб ўзлари айтганлар.

– Майли, ундай бўлса битта бер. Шунча ниқобни сотиб пулини нима қиласан.

– Компьютер оламан. Ҳозир он-лайн дарс ўтяпмиз. Шунга дарсларимни қиламан.


Бегона одам бироз ўйланиб қолди. Боладан манзилини сўради. Кеч тушиб қолгани учун ойиси хавотир олмасин деб уйга шошилди.

Эрта тондан эшик тақиллади. Рўзғор ишлари билан банд аёл бемаҳалда ким келганига ҳайрон бўлиб шошиб эшикни очди. Остонада ўғлининг устози турарди.

– Ассалому алайкум опа, яхшимисиз. Азизжон қани?

Бола юзларини ювиб устозини кўрганидан хурсанд бўлиб салом берди.

– Мактабимиз томонидан айрим ўқувчиларга компьютерлар ажратдик. Азизжонга ҳам олиб келдим.



– Ассалому алайкум амаки, ниқоб олмайсизми?
– Ваалайкум ассалом, болакай пулим йўқ-да.
– Олаверинг, сизга текинга бераман.
– Ойинг уришмайди-ми текинга берсанг?

Янги компьютерни кўриб бола хурсанд бўлиб кетди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, маҳалла маслаҳатчиси аёлни сўраб келди.

– Яхшимисиз Муниса, ишлар билан чарчамадингизми? Сизга бир яхши янгилик билан келдим. Маҳалламиздаги гузарга бир ҳомий тикувчилик цехини очиб, ниқоб тикмоқчи. Яхши тикувчини сўрагани сизни тавсия қилдим. Ўзингиз иш бошқарувчи бўлиб, маҳалламиздаги ишсиз аёлларни ёнингизга олиб ўргатасиз.

Аёл бир кунда бўлган бундай ўзгаришдан ҳайратда эди. Болакай тинмай компьютери олдида айланар, энди ниқоб сотиш учун бошқа бозорга чиқмайман деб севинарди. Онаси ҳам унга тез-тез ўйинчоқлар олиб келадиган бўлди. Бугун туғилган куни онаси уни юзларидан ўпиб, сочларини силаб табриклади. Нушутадан кейин дўконга бориб истаган нарчасини олиб беришини айтди. Дўконда кўпдан бери олишни хоҳлаган дўстларида бор, футбол тўпини танлади. Шунда онасини бир аёл билан гаплашиб турганини

кўрди. Аёл онасига бир амакини ўғлим деб таништиради. Бола ўша амакини таниди, у боладан текинга ниқоб олган киши эди. Онасидан улар кимлигини сўраганида “яхши одамлар, улар маҳалламизда цех очишган” деди. Бола онасига ҳайрон бўлиб қаради. Ниқобни шу амакига бепул берганини айтди. Аёл барчасини тушунди.

Камола АДАШБОЕВА.

AVAYLAB UCHMAGAN QUSH QANOTIDAN AJRAYDI

Ҳаётнинг гўзаллигини, авлодлар давомийлигини, муқаддас урф-одатларимиз анъанавийлигини, келажак авлод камолотини таъминлайдиган тарбия ўчоғи – бу муқаддас оиладир. Мазкур тарбия масканида соғлом муҳитнинг вужудга келишига таъсир этувчи сабабларни кўплаб келтирамиз. Аммо йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустақамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири эканлигини ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди.



Мана бу бўлган воқеалардаги қаҳрамонларнинг ҳаёти аянчли тугади. Уларнинг қисматини тафтиш қилишга ҳақим йўқ, аслида. Шунинг учун ипидан игнасигача эмас, асл ўзагини гапирман холос. Демокчиманки, эрта турмуш қурган ёшларнинг ҳар иккиси, яъни куёв ҳам, келинчак ҳам бирдек муаммоларга дуч келиши мумкин.

1-ҳикояда 16 ёшида уйланган куёв орадан бор-йўғи 6 йил ўтдию қўлида тайинли иши, ҳунари бўлмаганидан кейин рўзғор ташвишлари, хотинининг “минғир-минғир”ларидан чарчади. Отанасидан ёрдам сўрай деса, улар ҳам

зўрға кун кўришади. Бўйин меҳнатга ёр бермасаям қийин экан. Яна иккита боласининг хархашалари ҳам унда оталик масъулиятини уйғотмади. Хуллас 22 ёшли “ота”нинг ишқи бошқа жувонга тушди, гўёки уйдан чиқиб кетади, бошқа ҳаёт куради-да, бу машашалардан қутулади... Хаёлига келган фикрини амалга оширди, бироқ у ўйлагандек барчаси силлиқ кечмади. Иккинчи аёли ундан фарзандли бўлди, чақалоққа исм қўйиш, туғилганлик ҳақида гувоҳнома

олиш муаммоси бошланди, ахир қўш хотинли ёш ота қонуний никоҳдан ўтмаган-да! У ёқда эса алимент можароси. Хуллас кунларнинг бирида алимент тўловларини тўлашдан бош тортгани учун суддан келган “аллақандай қоғоз” ва ундаги катта суммани кўрган “қочоқ ота”нинг капалаги учди. Ўша ғўрликка, билимсизликка, муаммодан қочишга ўрганган кўнгли бу гал ўз жонига қасд қилди-қўйди...

Дарвоқе, ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истайди. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам бўйнимдаги ота-оналик бурчимни бажарсам хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандини бирор ишнинг бошини тутмай туриб “бошини иккита” қилишга шошиладиган ота-оналарнинг хатоси туфайли ҳам қайсидир маънода ёш оилалар барбод бўляпти.

Мазкур 2-воқеа ҳам турмуш чорраҳаларининг ўнқир-чўнқирларидан олинган бир парча. У оддий фаррош жудаям меҳнаткаш, соддадил, муштипар аёл эди. Аммо унинг хокисорлиги, соддалиги, ишонувчанлиги нурийдидаси учун қимматга тушди ва онани умрбод виждон азобига маҳкум этди. Эҳ!!! Ўшанда билганидами, озгина шошилмаганидами, бугунги кўргиликлар бўлмасмиди?! Қизи коллежни битирар-битирмас ўша муассасада ишловчи ўқитувчи аёлнинг гапларига лаққа тушиб, унинг узоқ қариндошининг

ўғлига қизини унаштирди. Она бечора қизимни бой хонадонга узатсам, менга ўхшаб қийналиб яшамайди, қолаверса, отасининг ҳар куни ичиб қиладиган жанжалларидан қутулади, деб ўйлаганди. Ёлғон ва алдовлар эвазига қурилган никоҳ ришталари зум ўтмай узилди. Базм кечасидаёқ куёвнинг тоби қочиб қолди. Буни кўп ичганга йўйдилар. Аммо орадан бир ой ўтгач маълум бўлдики, бой хонадоннинг ўғли руҳий хаста экан. Қиз: “Нега мени суриштирмай бегона шаҳарга бериб юбординглар. Шу керакмиди сизларга? Ҳаётимни барбод қилиб хурсандмисизлар?” – дея йиғлаб таъна қилганида онанинг юрак-бағри ўртаниб кетади. Эрта қурилган турмуш эрта тугади. Барибир ўхшамади. “Чиққан қиз чиғириқдан ташқари” экан. Орадан 3-4 йил ўтиб, келинчакни иккинчи турмушга узатдилар. Аммо бу билан ҳам унинг ҳаёти ўзгармади. Иккинчи турмуш ўртоғи ичади, қолаверса, биринчи оиласидан қонуний ажрашмаган ва ҳоказо.

Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида юқоридаги қалтис ва нохуш ҳолатлар учраб туради.

Баъзан инсон ўйламай-нетмай қилган ишига бир умр надомат, изтироб чекиб юради. Ваҳоланки, бунга ўзи сабабчи, ҳушёр ва эҳтиёт бўлмаган. Доно халқимизнинг: “Авайлаб учмаган қўш қанотидан ажрайди” деган мақоли бежиз айтилмаган.

Умида РАҲИМОВА.

oilavajamiyat@mail.ru

TUHMAT GIRDOVIDAGI AYOL

Hamkasblari uni qanday qilib himoya qildi?



Бир куни кўшни аёллардан бири Дилдора опага кеча уйдмидингиз, деб савол берибди.

Йўлдаман, бекатга яқинлашиб қолдим. Негадир юрагим энтикди, худди бекатдан ўтиб кетадигандекман. Ундай бўлмади. Машина тўхтади. Ариқ устига қурилган кўприкдан ўтиб боряпману шу ерга келиб Дилдора (исм-шарифлар ўзгартирилган) опани кўрмай кетаманми деган ўй хаёлимдан ўтди-ю йўлимни у томон бурдим.

Чап қўлда Дилдора опанинг уйлари, эшиги очиқ, демак уйда. Куз шамоли эсяпти. Эшикни тақиллатдим. Жимжитлик... Бироздан сўнг опанинг овози эшитилди. Доимгидек қизил халатида кўриниш берди. Саломлашдим. Алик олиб, бағрига босиб, бир муддат сукутда қолди. Сўнг мунгли кўзлари билан менга қараб ярашибди, ярашибди сингилжоним, талабалик ярашибди! – деди.

Талабаликка қабул қилингунимча икки-учта жойда ишладим. Дилдора опа билан ҳам ҳамкасб эдик. Бундан икки йил олдин «Ободонлаштириш» ташкилоти

Опа йўқ, шифохонага кетгандим, деса, “Уйдамасман дейсизу, эшигингизни тагидан машина узилмайди”, дебди. Опа хайрон бўлибди. Бир куни ишга бориб яна тоби қочиб қайтиб келса, дарвозахона қулф, аммо орқа эшик очиқмиш.

га ишга кирдим, Дилдора опа ва унга ўхшаган аёлларнинг кўпини кўрдим. Ишлагим келмасди ҳеч ҳам. Ишимдан уялиб эмас, аксинча кўнгли ярим оналарни кўриб юрагим оғрирди. Шуларни ичида Дилдора опа бор эди. Ўша лаҳзаларда биз сирдош бўлиб қолдик. Рост эшимизда анча фарқ бўлсада, кўнгли гўборини ёзишда ёшнинг аҳамияти қолмас экан. Бир куни Дилдора опа юракларини анчадан буён эзиб келаётган дард ҳақида айтиб қолдилар.

Опанинг турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, икки ўғил билан бева қолади. Ҳеч вақт ўтмай 4 яшар ўғлини трактор босиб кетган экан. Эшитиб гангиб қолгандим. Мажақланиб кетган боласини кўз олтидан кетказолмай йиғлар, оддийгина телефонининг экранидан ўғилчасининг кулиб турган сурати турарди доим.

Дилдора опа касал бўлиб қолиб, бир-икки ой уйда ётиб қолганда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлган. Унинг рўзғори бузилган қайнопаси бор. 20 яшар қизи билан Дилдора опаникида яшарди. Қизи жуда энгилтабиат экан. Онаси ишга кетганида ўша қиз уйга беҳаё йигитларни чақираркан. Бир куни кўшни аёллардан бири Дилдора опага кеча уйдмидингиз, деб савол берибди. Опа йўқ, шифохонага кетгандим, деса, “Уйдамасман дейсизу, эшигингизни тагидан машина узилмайди”, дебди. Опа хайрон бўлибди.

Бир куни ишга бориб яна тоби қочиб қайтиб келса, дарвозахона қулф, аммо орқа эшик очиқмиш. Қўрқиб уйга отилибди. Қарасаки, бир йигит қочяпти. Қизнинг қилмиши очилгач опа бунга қайнопасига айтиб, боши балога қолган. Она-бола биргалашиб Дилдора опага тўхмат уюштиришган. Уни суюқоёқликда айблаб, қайнонасига ёмонлашган. Қайнона ҳам бева келинга эмас, ўз қизига ишонган.

Шундан кейин Дилдора опани бу уйда яшагиси келмай қолади. “Эрим кетди, изидан ўғлим, мен шунга лойиқимдим? – дея йиғладилар. Уйга киргим келмайди, кўнглим беҳузур бўлади, ҳазар қиламан ифлослик бўлган жойдан. Уйим мен учун жаннат эди, авайлардим. Дадаси кетди ҳамки гард юқтирмасдим».

Дилдора опа оиласи учун ҳар қандай муаммо-ю дардни енгиб, ичига ютиб яшаяпти. Шундан билдимки, оила шунчалар мустаҳкам маскан эканки,

ҳаттоки ўлим ҳам эр-хотинларни ажратолмас экан. Қалбда бўлсин экан ҳаммаси. Аллоҳнинг олдида иймонини сақлаган инсонгина оиланинг нима эканини тушунаркан.

Оиласи, яқинларининг тинчи учун ўзини қурбон қилишдек жасоратни камдан кам кузатамиз ҳаётимиз давомида. Дилдора опа ҳам шундай қурбонлардан бирига айлланиб яшаётган аёл эди. Ҳамкасб аёллар орасида қонунини яхши биладиган Каромат опа бор. Дилдора опанинг кундан-кунга сўлиб бораётган кўзларига боқиб, чидаб туролмадим ва ҳамма гапни Каромат опага айтиб бердим. Каромат опа жуда жасоратли, қўрқмас, худди эркаклардек шашти бор. У ҳамкасб аёллардан беш-олтитасини йиғиб, Дилдора опанинг қайнонасини уйга олиб борди. Барча ҳамкасб аёллар қайнонага келинининг яхши фазилатларини айтиб, унга тўхмат уюштиришга ҳақлари йўқлигини, агар Дилдора опага зиён етказишса ички ишларга мурожаат қилишларини билдирди. Шундан сўнг буви тоғалар билан маслаҳатлашиб, тарбиясиз невараси ва қизини ўз уйига кўчириб келишга мажбур бўлди. Шу билан Дилдора опанинг қулоғи тинчиб, ҳаётига мазмун кирди, кўзларида яна нур порлади.

Бугун орамизда Дилдора опадай оиласига садоқатли аёлларимизни номини ёмон қилаётганлар, «ёқасини ҳидламай гапирадиган»лар ўзингиздан хабарингиз борми? Ҳа деганда юраги ғамга тўла, ишонгундан айрилиб, фарзандларини бир кўзлаб боқаётган, аёллик шаънини ҳар қандай ҳолатда ҳам асраб келаётган мана шундай аёлларга қўлимиздан ёрдам бериш келмаса ёмонлик қилишдан ҳам тийилайлик. Ожиз, ёрдамга муҳтож аёлларни қудуққа итариш эмас, қудуққа тушганларни ундан чиқариш ҳақида ўйлайлик.

Асолат УЗОҚОВА,
Сурхондарё вилояти юридик техникуми 2-босқич талабаси.

ERTAGA BIR GO'ZAL TONGLAR OTADI

Икки-уч кундан бери бемор боламнинг мурғак вужуди аланга-оташ бўлиб ёнади. Дилбандимнинг юз-кўзларидаги ҳаётга ташналик, порлоқ болалик учқуни сўнган, гилос донасидай лабларига юрак қонининг қайноқ тафти чунонам сингилганки, гўёки қуёшнинг ютиб юборган паҳлавондек ҳорғин ётади.

Шу онларда оналик иродам, муруватим ожизлик қилгандай, қўлимдаги қалам, ёзишдаги ҳаминқадар иқтидорим билан унинг олдида кучсиздай сезаман ўзимни. Қани энди дунёнинг ҳеч кими, бироқ нуридийдамнинг табиби бўла олсам. Шу онларда елкасига икки челақ сув юклаган сувчи аёл тасвири кўз олдимдан ўта бошлади. Бир елкада иш, ижод, ижтимоий ҳаёт юки, иккинчисида эса оналик залвори. Юрак бир марта болам деб урса, минг марта ватан деб уради, бир марта ватан деса, минг марта болам дейди.

...Шоиранинг “Бир қўлимда қалам, бир қўлимда болам” деган сатрларини ҳар гал ўқиганимда, ижодкорлик ва оналикнинг муштарак саодати, ижодкор онанинг туташ орзу-умидлари, ўй-хаёлларининг нақадар теран, тақдирининг шунчалар улуғворлигидан ҳайратга тушавераман. Замонамизнинг дилбар шоираси “Аёл бошим билан ёза-

япман шеър” деганида ҳам аёлликнинг улуғ рутбаси – оналикка урғу берганига ишончим комил. Ваҳоланки, аёллар билади эркакларнинг имконият қулочлари

кенглигини, шундай бўлсада, фақат рўзғор ишларига ўралашиб, фақат болаларининг қорнини тўйгазиб, уларнинг кўзига термулиб ўтириш билан ҳаёт юксалиб қолмаслигини. Нуридийдаларининг эртага ўзини удда қила оладиган, эл қорига яроқли бўлиб улғайиши учун бугун уларнинг ўзи эл ичида юриб, кўзгу бўлиши кераклигини ҳам қатъий баҳолашади. Она дунёқарашининг ўта майда ва маишийлиги, тафаккурининг оқсоқлиги эса боланинг биринчи мағлубияти эмасми? Зотан, ҳар бир бола онанинг ички оламини ўзида ифода этади. Румий ҳазратлари: “Ҳар қандай қуш ҳам ўз уясига қараб парвоз қилади. Инсон эса юксакликка ўз ҳайрати, ҳиммати билан эришади”, деган сўзлари билан айнан боласи учун ибрат тимсолига айланган оналарга, уларнинг оналик ҳимматига ишора қиладилар гўё.

Аслида, қуёш, ер каби улкан жисмлар марказида ҳам асосий энергия манбаи — ядро бор. Ундан кейин ташқарига қараб қаватлар давом этади. Аёл

жисми-жонининг ядроси ҳам унинг ўзи. Фақат қаватлари янгилашиб, кўпайиб бораверади – она, опа, сингил, фарзанд, рафиқа, келин, ходима каби қаватлар. Буларнинг барига керакли энергияни тарқатиб бораётган инсон тимсолига, унинг туганмас қувват манбаига қандай қойил қолмаслик мумкин? Яқинда дунёда Нобель мукофоти таъсис этилганидан буён 39 нафар аёл ушбу мукофотга 40 марта сазовор бўлганлиги ҳақидаги маълумотни ўқидим. Ёзишларича, Мария Кюри исмли аёл Нобель мукофоти билан икки марта тақдирланган дунёдаги ягона инсон экан. Тўғри, буюк олимлар орасида аёллар жуда кам, бироқ бу мия фаолиятининг ожизлигидан эмас, асло. Бу шунчаки бизнинг эътиқодимиз, улкан ишларни адо этишга етиб ортадиган энергиямизни ўша қаватларимизга тақсимлаб, майдалаб юборганимиз билан боғлиқ қониқарли ҳолат аслида. Алломалар она қалби остида улғайишига

“...Шоиранинг “Бир қўлимда қалам, бир қўлимда болам” деган сатрларини ҳар гал ўқиганимда, ижодкорлик ва оналикнинг муштарак саодати, ижодкор онанинг туташ орзу-умидлари, ўй-хаёлларининг нақадар теран, тақдирининг шунчалар улуғворлигидан ҳайратга тушавераман. Замонамизнинг дилбар шоираси “Аёл бошим билан ёза-

япман шеър” деганида ҳам аёлликнинг улуғ рутбаси – оналикка урғу берганига ишончим комил.

Kechinma

ишончимиз баланд бизнинг.

Бугун ана шундай минглаб, миллионлаб матонатли оналар билан ҳамнафас яшаётганим, тақдиримга бир қўлда қалам, бирида боламни тутиб яшаш толеи битилган бўлса, унинг шуқрига ҳозир эканлигим муқаррар. Зотан, оналик ғунчалар мангу гуллайдиган фасл демак, бу фаслда ижодкор юрак билан яшашнинг сурури эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

... Мана, бу тун ҳам она юрагим уйғоқ, бу тун ҳам нуридийдам ҳузуридаги мақомим – оналик толеим баланд. Хайрият, илтижоларим, уринишларим беиз кетмади, бир неча кундан буён забтини кўрсатаётган иситма аста-секин энгилаётир. Гўдаклик истакларига беморлик инжиқликлари қўшилиб “Она, она!” дегувчи, ҳатто уйқуларида ҳам онасини ҳеч кимга алишмаслик ранжида оромга кетган ўғлонимнинг юрак уришларига ҳамоҳанг сўзлайман: “Кичик жонинг, кучсиз билақларинг билан онангни ўзинг учун асрашга интилаётган менинг ғалабам аслида, ўғлоним! Илло, жисму жонингга қувват инганида ўз уйингни, ўз ватанингни асраш олий мақсаднинг бўлади, албатта. Бизнинг ғунчалар мангу гуллайдиган фаслимиз эса сенинг иқболингдан умидвор. Ишон, эртага бир гўзал тонглар отади. Майда дардларга бўйин эгма, нуридийдам. Ахир сен менга, мен сенга керакман, биз эса дунёга керакмиз!”

Дилнавоз Қўлдошева,
Фарғона вилояти.

Биз қизларимизни тарбиялашда аввало, унинг саранжом саришталигига, ҳаё ибосига, хушхулқилигига катта эътибор қаратамиз. Гўёки қизларни ана шундай тарбияласак, албатта бахтли бўлади Аммо ҳаёт фақат бир чизиқдан, фақат бахтга элтувчи йўлдан иборат эмас. Ўсмирлар ҳақидаги бир кинода аёл психологга мурожаат қилади: “Менинг қизим бахтли бўлишини хоҳлайман”. Психолог шундай жавоб беради: “Қизингизга танлов ва қарор қабул қилишида ёрдам беринг”.

нозаралар, ғийбат ва бошқа нохуш дақиқалар дўстларингизни қизингиздан узоқлаштиради.

Сиз бундай жумлаларни айтмаслигингиз керак: “Менинг хатоларимни қилма”, “менга қара – ва хулоса чиқар”, “сен ҳеч нарсани тушунмайсан”...

Хато одатий ҳолдир. Ахир қизлар фақат бизнинг ҳаётимизда яшасалар? Ўзларининг ҳаётида қачон яшайдилар.

Туйғуларни ифода этиш яхши эканлигини кўрсатинг. Бизга болалигимизда тез-тез: “Бу унчалик чиройли эмас”, “ўзингни бундай тутма”, “одамлар сенга қарашяпти, уят бўлади”, дея танбеҳ беришган. Хўш, агар қизалоқ энди йиғламоқчи бўлса, ҳамма нарсани ўзида сақлаши керакми? Туйғуларини яшириши лозимми? Ва агар у йиғласа, у ёмон

эҳтиёткорлик билан қарашини тушунишни ўргансин. Қизингизда сочини парвариш қилиш, терини тоза тутиш – ташқи кўринишга оқилона эътибор бериш қобилиятини қанчалик тез ривожлантирсангиз, шунча яхши бўлади. Ахир гўзаллик қурбонликни талаб қилади. Ва бу қурбонликлар оқланади!

Муҳаббат нима? Ўта талабчан ота-оналар томонидан тарбияланган аёлларнинг авлоди муҳаббатни қозониш керак деган тушунча билан яшайдилар. Яъни ҳаддан ташқари тиришқоқлик, жабрдийда бўлиш, фидойилик орқали муҳаббат қозониш мумкин, гўёки.

Болалигида ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳрини кўришдан маҳрум бўлган қиз, капалакка ўхшаб, ўша ду-

олиб келса, қатъиян рад қилманг. Уй ҳайвонларига ғамхўрлик қилиш – бу ажойиб меҳр-оқибат тарбияси.

Фарзандингиз ўз яқинларига ғамхўрлик қилсин. Жуда қийин вазифа – қизни ўз раҳм-шафқатини нолойиқ одамларга қаратмаслиги учун тарбиялашга ҳаракат қилинг. Раҳм-шафқат ва ақл-идрокнинг мувозанати ҳақиқий аёллик учун рецептдир.

Ҳар қандай уйнинг кичкина бекаси... Мана биз қизларни тарбиялашда биринчи ўринга қўядиган фазилатлар – ювиш, тозалаш, овқат тайёрлаш ва тикувчилик маҳоратини қизга синдириш унчалик қийин эмас. Қизингизга яхши уй тутиш усулларини ўргатинг.

Фаол ва етакчи... Қиз болани етак-

QIZ BO'LA QACHON BAXTLI BO'LADI?



Яхши она нафақат яхши уй бекаси, балки яхши суҳбатдош, ўзига ишонган, кучли аёлдир... Донишмандлардан бири айтганидек: “Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилаيمان” Дунёнинг яхшиланиши – сиз билан мен фақат ҳаё, ибодли бўлишни талаб қилаётган, уй бекалигигагина тайёрлаётган қизларимизга боғлиқ эканлигини унут, қизингизда ўзига бўлган ишончини тарбияланг!

Дарҳақиқат қиз бола ҳаёти бир қатор танловлардан иборат. Қаерга бориши, қаерда ўқиши, қандай турмуш ўртоқ танлаши керак... Афсуски, биз қизларимиз ўрнига ўзимиз танлов қиламиз. Уларнинг нима кийишидан тортиб, керак бўлса бир умрлик турмуш ўртоққача биз танлашамиз. Бизнинг аслида танлашга эмас фақатгина маслаҳат беришга ҳаққимиз бор. Сабаби қизлар қачонки ўз танловини танлай олсаларгина ўзини етук ва ишончли ҳис қилади. Хўш, қизларнинг нимага ўзига ишончи ортиқ бўлиши керак?...

Болалигимизда бизга айниқса қизларга уйга меҳмон келса катталар олдида ўтиришимизни тақиқларди. Мутахасссларнинг фикрига кўра, ота-оналар фарзандларига турли хил одамлар ва катталар билан ҳам мулоқот қилиш имкониятини тақдим этиши керак экан. Чунки қизлар ҳар доим кимнингдир ўзини тутишига эътибор беради ва ўзига ёққан одамга ўхшашга интилади, айниқса болалигида. Қолаверса катталар билан мулоқот қизларда ҳам ўзига бўлган ишончини ортттиради... Умуман қизлар тарбияси ҳақида мутахассслар нима дейди?

ОНАЛАР ҚИЗЛАРИГА ҚАНДАЙ ЎРНАК БЎЛАДИ?

Суҳбатлашинг – қиз бола фақатгина уй ишларини эплаши эмас, балки кўп мавзуларда суҳбатлаша олиши ҳам муҳим. Бошқа одамлар билан мулоқот қилиш қобилияти қизнинг ўзини ишончли ҳис қилишга ёрдам беради. Унга савол беришни ўргатинг – ахир бу аҳмоқлик ёки маҳмадоналик эмас. Мулоқот қилиш орқали сиз болангизга янада яқинроқ бўласиз, ишончли муносабатларни ўрнатасиз.

Сиз нимани ва қандай гапиратганингизни кузатиб боринг – му-

қиз ҳисобланадими? Ахир қизлар ҳиссиётга эга. Болалиқдан болага йиғлаши мумкинлигини тушунтиришимиз керак, бу унинг ҳис туйғулари. Улар ҳамма нарсани қалбига яшириши шарт эмас. Акс ҳолда, бола нафақат ўз ҳис-туйғуларини намойиш қилгани учун ўзини айбдор ҳис қилади, балки кейинчалик бу соғлиқ ва умуман ҳолатга таъсир қилади. Нега ҳис-туйғуларингизни яширишингиз керак, агар улар самимий бўлса? Туйғуларни яширмаслик – яъни қулиш ва йиғлаш кейинчалик қиз болада пушаймонлик ҳиссини эмас, балки ўзига бўлган ишончини ҳосил қилади. Туйғуларини тушунишни ва ифода этишни ўрганиш қиз учун жуда муҳимдир.

БАХТЛИ БЎЛИШ САРИ ЕТТИ ҚАДАМ

Ҳар бир қиз жозибали... Онанинг ўз ташқи жозибасига шубҳа – бу ўсмир қиз учун оғир юк. Яъни унинг шахсий ҳаётидаги кўплаб муаммолар ва муваффақиятсизликлар манбаи. Шунинг учун оналар ўз қадр-қимматини таъкидлаши, қизининг камчиликларидан кулмаслиги – тўлиқлик, сепкил, бурун – буларнинг барчаси унинг шахсий жозибасининг ўзига хос хусусиятлари эканлигини таъкидлаш лозим.

Оналар! Ойнага бўлган соф аёлнинг орзусини масҳара қилманг – у ўзини ўргансин, ўзини севишга одатлансин! Косметик воситалар билан биринчи тажрибаларни тўхтатманг. У чиройли актрисаларни томоша қилганда ва гўзаллик рейтингларига қараганида, у жуда чиройли аёл ҳам доимо ўзига

ненинг биринчи нурига учади, бу унга муҳаббат туюлади. Шунинг учун, у ҳар қандай ёлғончининг ўлжасига осонгина айланиши мумкин, бир-икки юмшоқ сўзларни эшитганиданоқ таслим бўлиб қўя қолади.

Қизни ҳар бир ота-она яхши сўзлар билан эркалатиши керак, токи қиз бола ўзини севишларини ҳис қилсин. Ахир севишган киши ёқтирмасликни тан олишни ўрганади ва шунчаки беихтиёр ёқтирмаслик муҳитидан қочади. Бу унинг шахсий бахтининг кафолати. Яъни нафақат муҳаббат бобида аёл фидойи бўлиши, балки эрақдан ҳам фидойиликни талаб қилади.

Эҳтиёткорлик жуда муҳим... Аёл том маънода ҳаётнинг посбони. Хавфсизлик қоидаларини қизингизга синдириш. Унга одамларни ва вазиятларни тушунишга ўргатинг. Қўрқманг, балки ҳаддан ташқари ишонувчан бўлмасликдан огоҳлантиринг. Ақлли кишилар бошқаларнинг хатосидан сабоқ олишади. Дўстларингиз ҳаётидаги хавфли ҳодисалар, матбуотдан билган нарсаларингиз ҳақида қизингиз билан суҳбатлашинг. Токи у ҳаёт, соғлиқ ва обрўга таҳдид соладиган барча нарсалардан қочишни ўргатинг.

Нажот фариштаси... Агар аёл яқинларига қандай ғамхўрлик қилишни билмаса, демак у аёл эмас. Қизни бировнинг дардини сезишга ўргатинг. У кучсиз ва беморларга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилсин. Кекса кўшнига ёрдам бериш истагини рағбатлантиринг. Агар қизингиз уйга эгасиз кучукча, мушукча ёки куш

чи бўлишининг олдини олманг. У етакчи бўлишда ўзини синаб кўрсин. Унинг муваффақиятини нишонланг – сизнинг мақтовингиз кейинги ҳаракатлар учун туртки бўлсин. Аммо шу билан бирга бошқаларнинг фикрларини тинглаш, жамоага мослашиш қобилияти – унга буларнинг барчаси жуда зарур.

У шахс... Қизни шахс қилиб тарбиялаш, эҳтимол бу энг қийин нарсаси. Қиз боланинг шахсиятини ривожлантиришга ҳисса қўшинг – лекин унинг шахсиятини бузишга уринманг. Масалан, сиз қизингиздан ўқитувчи ва ижтимоий фалон тарбиялашни режалаштирсангиз, аммо у расом бўлмоқчи ва ёлғизликни яхши кўради. Сиз унинг хоҳиши – истақларини қўллаб қувватланг, агар ижобий бўлса.

Хўш, қизларнинг нимага ўзига ишончи ортиқ бўлиши керак?...деган юқоридаги саволга жавоб: чунки қиз бола келгусида аёл – она. У фарзанд тарбиялаши керак. Кучли ўзига ишонган, жасур аёлларнинг фарзандлари ҳам худди шундай кучли, ўзига ишонган, жасур бўлиб вояга етадилар. Бахтли ва ҳаётда муваффақиятга эришиш учун ҳар бир инсон ўзига ишончи баланд бўлиши лозим. Яхши она нафақат яхши уй бекаси, балки яхши суҳбатдош, ўзига ишонган, кучли аёлдир... Донишмандлардан бири айтганидек: “Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилаيمان” Дунёнинг яхшиланиши – сиз билан мен фақат ҳаё, ибодли бўлишни талаб қилаётган, уй бекалигигагина тайёрлаётган қизларимизга боғлиқ эканлигини унутиб, қизингизда ўзига бўлган ишончини тарбияланг!

Интернет материаллари асосида Барно СУЛТОНОВА тайёрлади.

Тўғриси айтсак, кейинги пайтларда санъаткорлар ўртасида маънан саёз, оддий жумлалардан иборат бўлган бачкана сўзларни мусиқага солиб куйлаш урфга кирди. Гўёки шундай қилинса уларга машхурлик эшиги ўз-ўзидан очилади-гандек. Улар билмайдик бундай кўшиқларнинг умри қисқа, эртаси йўқ. Хўш, бугунги ёшларни шундай кўшиқларга муносабатлари қандай?

**"Сани отанг раис,
Об келади майиз.**

**Об келмаса майиз.
Ну погоди зайс"**...

Нақадар маъноли, мазмунга тўла кўшиқ. Матнини ким ёзиб берган экан? "Нобел"ни олмаса деб кўрқаман. Бир эътибор беринг-а. Қизни отаси раис экан, майиз олгани кетибди. Олиб келмаса "Ну, погоди! Зайс" ("Хали шошмай тур" дегани-да бу. А?) экан. Раис маж-



лисдан чиқса дўконлар ёпилмасмикин? Мазкур кўшиқни куйлаган хонанданинг яна бир кўшиғи бор:

"АВАЗ, ЖИМ ЮР АВАЗ!"

yoхud mayizga ketgan rais

**"Шафтоли, шафтоли,
Шафтоли ёйсанми?
Ё бўлмаса, тандир нонга
Қаймоқ суриб ёйсанми?"**

Эрталаб нонуштада тандирдан янги узилган нон билан қаймоқ бўлса, яхши. Лекин шафтоли нима учун?

Бир томондан буларни ҳам тушунса бўлади. Республикаимизда нечта мусиқа ва санъат мактаби бор? Ҳар бир вилоятда 10 дан зиёд дейлик. 14 та ҳудудда 140-150 та. 300 га яқин (бу бизнинг тахминимиз). Ана энди булардан 2 тадан чиқаман деса, 600 бола. Чиндан ҳам, анча пул бериб ўқиган бўлса, 600 танинг ичида машхур бўлиш керакми? Керак. Шунинг учун ҳам шафтолини, ёрига гул совға қилгани, севишиб айрилгани ҳақида куйлайди. Юлдуз бўлиш зарур. Ҳамма олқишлаши лозим. Мактабда ҳам шундай кўшиқлар куйлаб ёдланганмикин?

Маили, шундай мактабларнинг борлиги яхши. Булар ҳам кун келиб, спортчиларимиздек, кимларнидир "нокаут" қилиб келишар. Адабиётимизни қандай ривожлантирайлик, азизлар? Қачонгача юқоридаги каби кўшиқларни тинглаймиз? Ахир адабиётнинг ичи тўла шеър-ку. Бир-биридан гузал тароналарни бугун ёшлар ўзлари ташаббус қилиб куйлашмас экан, эртага қандай натижа кутиш мумкин санъатимиздан? Фақат бокчиларимиз байроқ кўтариши керакми?



Шу жойда битта қизиқ воқеа ёдимга келди. Ўша пайтлар "Ёшлар" телеканалдан "Сенга ошиқман" сериали бериларди. Мазкур сериалдаги сокин таронанинг бир жумласи эсингизда бўлса ажабмас: "Тум ҳи ҳо". Гап шундаки, бир куни маълум бир мактабдаги бир ўқитувчи янги ўқув йили бошидан бир боладан мадҳиямизни сўраган. У бола билмаган. Ўқитувчи:

– Ишанини кўшиғини биласанми?

– Ҳа, айтиб берайми, устоз – деган. Нега бола кинодаги кўшиқни эслай оляптию қарийб 30 йиллик мадҳиямизнинг матнини билмайди? Ота-онанинг масъулиятсизлигимиз? Биргалашиб ўша Ишанини кўрганими?

Агар биз шундай кўшиқларни куйлашни, тинглашни давом эттирсак, охириги манзилимиз қаер бўлади?

Нега гулим, жоним деб куйлаган хонанда ўз онасини эсга олмайди? Қаерда туғилгани ёдидан кўтарилдими? Бундоқ Ватан, ота-она, устоз каби мавзулар

ҳам бор. Нима, булар ҳақида куйласа, юлдузи сўнармикин? Ёки ҳеч ким тингламайдимиз? Қачонгача эркак хонанданинг эркак номига айтган кўшиғини эшитамиз:

"Аваз, жим юр Аваз". Аваз деб ҳаммамизни айтяптими?

Телеканалларимизда "Юлдузча", "Юлдуз бўламан" лойиҳалари қаторида "Адабиёт ғунчалари" каби кўрсатувлар кўпайса, танқидчилар ҳам, "Сен менга тегма, мен эса сенга" қабилдаги қарашлардан воз кечса, шундагина санъатимиз атрофида бўлаётган бачканаликлар бартараф этилиши мумкин. Одам айниб қолган овқатни еса, кўнгли беҳузур бўлиб қайд қилади. Мен бачкана, савиясиз кўшиқларни худди айниган овқатга қиёслагим келади. Айниган овқат ошқозонни ишдан чиқарса, саёз кўшиқлар инсоннинг руҳиятини касал қилади. Демак биз маънавиятимизни тозартирадиган кўшиқлар эшитишга жуда-жуда муҳтожмиз.

**Таваккалжон ОБИДЖОНОВ,
ФарДУ талабаси.**

SONI KO'PU SALMOG'I YO'Q QO'SHIQLAR

Мусиқа. Ушбу сўзга ортиқча изоҳ беришнинг назаримда ҳожати йўқ. Чунки ушбу сўз қандай қудратга эга эканлигини жуда яхши биламиз. Азалдан маълумки, мусиқа миллатнинг қадриятлари, урф – одатлари, маданияти ва маърифати ҳамда аёлларнинг латофатия йигитларнинг баҳодирлиги ҳақида сўзлайди.

Мусиқа тинглаган инсон бир пайтнинг ўзида ҳам йиғлаши, ҳам кулиши мумкин. Бунга яққол мисол барчамизга таниш бўлган афсонага кўра бир санъат севар мусиқа асбобини чалганида сарой аъёнлари хандон отиб кулишган, бошқа мусиқани чалганида хўнграб, дод солиб йиғлашган ва яна бир мусиқани чалганида эса мудраб ухлаб қолишган. Мана мусиқанинг кучи, сеҳри, таъсири ҳамда оҳанраболиги...

Очиғини айтадиган бўлсам, телевизор билан унчалик ҳам ўртоқ эмасман. Аммо куни кеча бир ажойиб кўшиқни эшитиб, ҳайратдан ҳангу манг бўлиб сизга илинишни маълум кўрдим!

**Лабингда паммада, памма-паммада,
Ёнимда юрмада, юрма – юрмада,
Лабингда паммада, памма-паммада,
Ёнимда юрмада, юрма – юрмада,**

Мана сизга ашулаю ана сизга савия. Бир-икки қаторини айтмаганда кўшиқ фақат шу сўзлардан иборат. Тингласангиз на кулишни, на энсангиз қотишини ва на таажубланишни биласиз. Кўшиқни куйлаган жувтлгимизни кийиб олишган либосларига эътибор берсангиз менимча Пиноккионинг дўстлари бўлса керак деб ҳам ҳаёлот оламига фарқ бўлишингиз табиий хол. Тўғри, муаллифларнинг йўналишлари шундайдир, аммо билишмайдик, бу бизнинг ментали-

тетга тўғри келмаслигини, бизнинг санъат эмаслигини ҳамда ҳар бир «ашулачининг» кўшиқларини эшитиб бола шунга қараб иш қилишини, ўша маънисиз мусиқани куну тун хиргойи қилиб юришларини, қилиқларини ёд олиб қайтаришини.

Айтинг-чи бу қанчалик тўғри?

Кайфиятни кўтараман деб маданиятсизлик чўққисига бугунги авлоқ вакиллари ўз қўлингиз билан етаклаб бориб, итариб юбормаётганмикансиз?

Аёл кишининг «лаби» ёки «памадаси» ҳақида гапириш ва уни оммага тақдим қилиш қай даражада тўғри деб биласиз?

Куйлаган кўшиғингиз билан килипингиз бир – бирига тўғри келдимикан?

Шу кўшиққа сарфлаган пулингизни бирор маънили, мантқиқли, инсон эшитганда роҳат оладиган, ўйга толдирадиган, фикрлашга ўргатадиган ҳамда хулоса чиқаришда янглиштирмайдиган клип ёки мусиқа устида ишласангиз бўлмайди?

Ҳозирги ёшлар биласизми нимага ўзбек миллий кўшиқларини билишмайди, чунки, битта тирақи бузоқ подани бузар деганларидек... Кимларнингдир ижодининг касрига яхши кўшиқчиларимиз қадрсизланмаётганмикан?

Кўшиқ ва «кўшиқ» ўртасидаги фарқни ўргатувчи ёки ишланган ашулани текшириб берувчилар йўқми, ё уларнинг вақтлари озми? Ёки мутасаддилар буни назорат қилишмайди?

Бу албатта, менинг фикрим аммо ҳар ким ўзи учун хулоса чиқаради ва уни онгида таҳрирлайди. Ёдингизда тутинг-ки оммага нимадир тақдим қилишдан олдин ҳам уни мулоҳаза қилиш лозим. Чунки сизни 3-4 киши эмас минглаб инсонлар кузатмоқда...

**НИГОРА ОРИФЖОНОВА,
Гулистон шаҳридаги 5-мактаб
11-синф ўқувчиси.**

"DADA, MENI UYLANTIRING!"

(Памфлет)

**"Сабзи олдида хижолатман,
Дада мени уйлантиринг.
Акамни ҳам уйлади-ку,
Тезроқ мени уйлантиринг!.."**

Э, онам-а онам, билсангиз эди ўғлингизнинг ҳоли не кечаётганин. Ичимга чўғ тушган, чўғ! Отам кимсан, нимасан демайди гапимга. Юрсам ҳам, турсам ҳам унинг жамоли кўз ўнгимдан кетмайди... Кўринишини айтмайсизми, байбай-бай:

**"Вапше маладес
Хусну латофатига,
Вапше маладес
Ақлу заковатига,
Вапше маладес!"
Ўзиям кўҳликкина.**



**"Лўппи-лўппи,
Лўппи-лўппи,
Лўппи-лўппи десам сани ар-калаб,**

Бошима гўтарсам бика-бикалаб", дея бир неча бор йўлини тўсдим. Кошки қиё боқса! Ор-

тимдан Ойсара опани қизи Жу-магулу Ризвонгулдан тортиб Маруса холанинг Машасигача "уйланасми-йўқми, дейиш керакми ё керакмасми, нега унда ўғирладинг юракни?", деб сарсон юргани-юрган. Аммо ёқмайдида ҳеч бири.

**"Мен буни биламан,
Сен мени севасан.
Айт!"**

Севгингни менга айт", десамда жеркишдан нарига ўтмайди қиз тушмагур.

Рост айтасиз, ахир маҳалладаги "зўр боламан закўнний, шер боламан закўнний". Биронтасига кўз қисиб, "рози бўлсанг момо қиз эр бўламан закўнний", дейишимга мумдек эрийди-я. Чиндан, ундан бошқаси куриб қолганми?

**Катталар тўғри сўз деган:
"Қирмизи олма ширин бўларкан,
Ярим ой бир кун тўлин бўларкан.
Тўйгача севги бу орзу ҳавас,
Ҳақиқий севги кейин бўларкан".**

Бахайр, нима бўлса-да бўлди. Онам, сиз амаллаб отамни кўндиригин. Болам алламбало кўшиқларни эшитавериб ичига чўғ тушган денг, илтимос. Оёғингизга ковуш кийиб олиб эшикма-эшик қиз излаб юрмайсиз. Бизга кимни учратсангиз ўшанга уйланаверамиз. Гап битта!

**Шоҳруҳ АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси.**

Саҳифани Нигора РАҲМОНОВА тайёрлади

SAVIYASI "MO'RT" MULTFILMLAR

bola tarbiyasiga salbiy

ta'sir ko'rsatmoqda

Башарият учун энг олий саодат эрк бўлса, энг олий мукофот тинчликдир. Ҳар икки неъматни сизу биз ва келажак авлодларга сақлагувчи эса, тенгсиз бойлигимиз бўлган фарзанди аржумандларимиздир.

Маъсум ва мурғак болажонларимизнинг аксарияти айнан бугунги фараҳбахш ва имкониятларга тўла осуда замонда нима учун худбинлигу бебошлик, беҳаёлик қилмоқдалар?

Боғчасида ёки мактабида уларнинг "севдим", "ўлдим", "куйдим", дея ёқлаган муҳаббати замирида келиб чиқаётган беодобликлар, бемазагарчилигу бемаъниликлар куни келиб нафақат сизни, оилангизни, балки бутун жамияту давлатимизнинг тинчлигига раҳна солмайдими? Қабиҳлигу ёмон одатларни етаклаб келмайдими?

Бизлар йўл қўяётган биргина бефарқлигимиз натижасида неча минг асрлар давомида сақланиб келинган миллий қадриятларимиз, урф-одату анъаналаримиз бора-бора пайҳон бўлиб, таназулга юз тутмайдими? Бефарқлигимиз фожиа эмас-ми?!

Ахир Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом (с а в) "Фарзандлар жаннат райхонларидур", деб марҳамат қилганлар. Бизлар дилбандларимизнинг хуш бўйидан ҳамда гўзаллигидан баҳра олиш учун аввало, уларга юксак эътибор, меҳр, саховат, илму маърифат ва албатта мукамал тарбия бермоқлигимиз жоиз-ку.

Бу борада ҳамма айбни тарбиячи ёки ўқитувчиларимиздан изламай, ўзимиздан ахтарайлик. Болаларимизга тарбия беришга қанча вақт кеч қолдик?

... Балки бугун жонажон фарзандингиз учун сиз эмас, китоблар ҳам эмас, мультфильмлар "тарбиячи" бўлиб улгурандир.

Чет эл мультфильмларининг бизнинг менталитетимизга хос эмаслигидан нолияпсизми? Болаларимизнинг онгини кимлар бошқармоқда деяпсизми? Ҳа, афсус... ўша мультфильмлар. Ахир сиз, ота-оналар фарзандингиз тафаккурида ўз вақтида "иммунитет" ҳосил қила олмадингиз. Эндигина атак-чечак қилиб юраётган фариштангизни, беозор шўхликларидан чарчаб, телевизор қаршисига "михладингиз". Нури дийдангиз бу орқали тасаввур оламини бойитиши билан бир қаторда, ўзини (бор одобини) бой бериб қўйиши ҳам мумкинлигини ўйламадингиз...

Келинг, шу ҳақда фикр юритиб, мулоҳаза қиламиз. Муамлоларга ечим топамиз. Зотан, камчилиқни кўрсатиш билан иш битмайди.

БОЛАЛАРГА "СЕВДИ-

РИЛАЁТГАН" ИЛЛАТЛАР

Фарзандининг фаровон эртаси дея яшаётган ота-оналар! Дилбандингизни кийим-кечаги, еб-ичиши, мактабга ёки боғчага бориши учун жон куйдираётганингизни, ишлаётганингизни пешлаяпсиз-а. Аммо, унинг хатти-ҳаракатларини қачон назорат қиласиз?

Тонгда уйғонгандан, то унинг ойнаи жаҳон қаршида ҳордиқ олиш вақтларида мультфильм ҳамда болалар учун бадиий фильмларни танлаб кўриш тарбиясини қачон сингдирасиз?

Тўғри, кичкинтойларда айб йўқ. Мультфильмлар ҳам болаларда нутқни ўстириш, теран фикрлаш, кенг дунёқараш каби бир қанча ижобий сифатларни шакллантиради. Бироқ ғўр гўдақнинг, боланинг савиясида шаҳвоний ҳисларга илиқ муносабат уйғотаётган, маккорлик ва эгри йўл сари чорлаётган мультфильмлар ҳам йўқ эмас-ку!

Иллатлар дебечасига айланган ана ўша мультфильмлардаги беибо саҳналарни ўчириш ёки уларни умуман эфирга бермаслик, ёш авлодларимиз онгида шаклланаётган қора иллатнинг жиловини тортишга замин бўлар эди.

Масалан, "Шрек", "Том ва Жерри", "Дайди тўтининг қайтиши", "Қизалоқ ва маймоқ", "Сени-ми, шошмай тур!", "Оппоғой ва етти гном" каби бошқа кўпгина мультфильмларда беҳаёлик, бебошлик, бебурдлик, беодоблик ҳамда атрофдагиларга салбий муносабатда бўлиш ошқора ёки яширин тарзда сингдирилган.

"Том ва Жерри", "Қизалоқ ва маймоқ", "Сени-ми, шошмай тур!" мультсериалларини айтмаса ҳам бўлади. Бўрининг зарарли одатлари

(тамаки чекиши), бузғунчилиги, Том ва Жеррининг кўнгли тусаган ёмон ишларни қилиши, уйни остин-устун бўлиб кетиши, бир-бирига озор бериши... Қизалоқ Машанинг эса ўта ўжарлиги, ҳарҳашалари, инжиқликлари, худбинлиги содда ва беғубор, ишонувчан болажонларимизнинг онгини заҳарламоқда. Ушбу мультфильмларнинг бош ғояси: истаганча одобсизлик қилишининг мумкин, сени ҳеч ким айбламайди ва асло жазоланмайсан!

Ўлмас кашшей, ялмоғиз кампир, карабас-барабас ва Бармелий образлари ҳам жазосиз қолаётган тарбиясизликнинг намунаси эканлиги дилни хира қилади. Ахир болаларнинг онг-тафаккурида "бу ёмон иш, сен қилма!", деган тушунча йўқ, "фильтрланмаган". Шунинг учун ҳам ҳозирда болаларнинг аксари мана шундай бузуқ ғояларни ўз феъл-атворларига сингдириб олишмоқда.

СУИЦИДГА ЧОРЛАГАН "КЕША"

Бир қарашда қувноқ ва беғубор, қизиқувчан ҳамда интилувчан кўринган мультқаҳрамон Кеша образига тўтида бир қанча иллатлар ва бетавфиқлик бор. Аммо болалар бу мультфильмни ўзгача ҳиссиёт ва чуқур туйғулар оғушида кўришади. Бу асло тўғри эмас!

"Дайди тўтининг қайтиши" мультсериалида омадсизликларга учрайверган, бу ҳам етмагандек, дўсти Василининг тракторини бошқара олмай, жарликка тушириб юборган Кешанинг:

Тўғри, кичкинтойларда айб йўқ. Мультфильмлар ҳам болаларда нутқни ўстириш, теран фикрлаш, кенг дунёқараш каби бир қанча ижобий сифатларни шакллантиради. Бироқ ғўр гўдақнинг, боланинг савиясида шаҳвоний ҳисларга илиқ муносабат уйғотаётган, маккорлик ва эгри йўл сари чорлаётган мультфильмлар ҳам йўқ эмас-ку!

"Хоҳламайман, бунақа яшашни! Ундан кўра ўлганим яхши. Яна омадим юришмади. Энди ўзимни ўлдираман! Ўғил бола сўзим. Шунда мендан ҳамма кутулади!"

Хайр, дўстлар... Мен расвоман, мен жирканчман, мен ярмас махлуқман!" - дея сиртмоқ тайёрлаб, уни бўйнига илиб ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган саҳнаси энг даҳшатлиси. Бунинг таъсирида навиҳол болаларнинг онгида бўшлиқ пайдо бўляпти-ку!

Суицидга чорлаётган бу саҳна ҳақида мультфильм ижодкорларига эссиз... дегим келди. Зотан, бундай хатти-ҳаракатни ҳеч йўл билан оқлаб бўлмайди.

Қани энди айтинг-чи, бола уйда бир ўзи қолганида ана шу бузғунчиликларни қилиб, чигал вазиятларда худкушликга қўл урмаслигига ким кафолат беради?!

Албатта, ҳеч ким. Чунки, бола ҳамма нарсани ўзида бажаришга, ўзи ҳал қилишга, мустақил бўлишга интилади, мушоҳада қилмай уларни ўзлаштириб олади. Бир разм солиб кўринг. Она сути оғзидан кетмаган гўдагимизга қайсики сўзни, қайсики ҳаракатни ўргатмайлик уни ортимиздан айтишга, бажаришга ошиқади. Шундай экан, бепарволик қилаётган сизу биз, айбдор-миз!

Демак болалардаги жиз-

закилик, бетгачопарлик, зўравонлик, тажовузкорлик, бесабрлик иллатларининг юзага келишига ушбу йўсиндаги мультфильмлар сабаб.

ЕР ЧИЗИБ ҚОЛДИРУВЧИ САҲНАЛАР – РЕАЛ ҲАЁТИМИЗДА

Куз. Хазонрезги палласи. Иш вақтим эртароқ тугаб, уйга аср намозгарда қайтдим. Айнан шу куни аксига олиб ҳаво ҳам дарғазаб, тунд эди. Яхши ҳам яшаш манзилим яқин. Йўқса, ёмғир ёғса, шалаббо бўламан дея шошилиб кўчага отилдим. Йўлда кетар эканман, кўп қаватли уйлари хилват оралиғида кичик ёшдаги йигит билан қиз бир-бирини кучиб, ўпаётганига кўзим тушди. Юрагим алланечук, хаприқиб, бўғзимга тикилди. Кўзимдан ғазаб ва хавотир учқунлади.

Улар томон тез одимладим. Болалар менинг етиб борганимни пайқашмади ҳам. Фақат қизнинг кўлидан ушлаб, ҳой қизча, бу нимаси, дея ўзим томон тортганимда улар чўчиб кетишди. Бир зум орамизда жимлик чўкди. Болалар ҳам, мен ҳам ҳайратдан қотиб қолдим.

Афтидан бинойи кўринган болаларнинг бу қилмиши, мени эсанкиратиб қўйди.

– Кимнинг фарзандисизлар? Нега бундай одобсизлик қиляпсизлар? – дея, алланималарни хаёлимдан ўтказдим. Улардан садо чиқмади.

– Ёшингиз нечада? – яна сўрадим.

Жавдираб турган қизалоқ йиғлаб юборди. Уни бағримга босдим.

– Илтимос, айт... Бу бола киминг бўлади? Нега бундай тургандинлар, айт синглим... – деб кўз ёшларини артдим. Болакай эса, ердан кўзини узмай турарди.

– Бизлар шаҳзода ва малика ўйинини ўйнаётгандик. Мана бу Беҳзод сен Оппоқойсан, ўзингни заҳарланиб ухлаётганга сол. Сени ўпсам, уйғонсан деб айтди... – деди қизалоқ кўз ёшларини тиёлмай.

Шунда ҳаммаси равшан бўлди. Уларга дакки бериб, ўз уйларига кузатиб, ўлан тўшагимга қайтдим. Бироқ кўнглимга тушган хавотир сира аримади. Юрсам ҳам, турсам ҳам қалбим оғринаверди.

Бугун хатоларга чек қўйиш вақти келди. Тўққиз ой жисмингизда минг азоблар ичра кўтариб, дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараган сийму зарингизни йўқликка эмас, музайян, ғуборлардан фориг ўзлик томон, миллийлик томон элтайлик.

Дилафруз ЎРИНБОЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

LO'LI QIZNING IBRATI



Автобусга ўтириб “Дўстлик” бекатидан, “Чустий” бекатига йўл олдим. Борадиган манзилим узокроқ, Йўлни бир соат мобайнида босиб ўтиш керак.

Автобусга бирин-кетин, бири новча, бири узун бўйли, яна бири эса қорин кўйган мўйловдор, бир сўз билан айтганда, турли кўринишдаги турли феъл-атворга эга йўловчилар чиқа бошлашди. Бир пайт катта бир сумка кўтариб олган, усти-боши юпун, қорачадан келган лўли миллатига мансуб бир аёл, чамаси ўн ёшлар атрофидаги қизалоғи билан бўш ўриндиқлардан бирига келиб ўтиришди. Шу пайт орқадаги ўриндиқда ўтирган, замонавий кийиниб олиб бир-бирига гап бермаётган икки қиз, бояги аёлга бир қарашдию пас, лекин атрофдагилар эшитадиган оҳангда: – Уфф энди лўлилар билан бирга кетар эканмииз-да, деб жирканиб кўйишди. Автобусни жимжитлик қоплади. Яна бир бекатга етиб келганимизда, баланд бўйли бир киши 5-6 ёшлар атрофидаги ўғилчаси билан лўли аёлнинг ёнига ўтиришди. Лўли

қизча ёнида ўтирган болакайга алланималар деб гапирди. Болакай ҳам кулиб жавоб берарди. Лўли қиз сумкасидан битта тешик кулча олиб болага узатди. Болакай кулчага қўл узатган эди унинг дадаси бир силтаб ўғлини ёнига тортиб олди ва қизга қараб: – Мени ўғлим лўлиларнинг қўлидан овқат емайди, – деб бақириб берди. Қизалоқ амакининг важоҳатидан кўрқиб кетганидан худди айб иш қилгандек онасининг пинжиги тикилди. Онаси қизини уришган “эр-какка” бир қарадио индамасдан юзини тескари бурди.

Карантин бўлгани сабаб автобусда одам кам эди. Лўли қизалоқ онасининг пинжидан чиқиб, тўғри мени ёнимга келиб ўтирди. Елкамга илиб олган сумкамни кўриб, бирин-кетин саволлар бера бошлади.

– Ўзинг нималарга қизиқасан, келажакда ким бўлмоқчисан?

Мен ҳам унинг саволларига савол билан жавоб қайтардим.

– Катта бўлсам ўқитувчи бўламан. Тожик ва рус тилларида гаплаша оламан, ҳозир эса инглиз тилини ўрганяпман.

Бу жавоб нафақат мени балки лўли аёлдан жирканган бояги икки қизни ҳам довдиратиб қўйди. Ўқув марказларидан

қайтаётган қизлар:

– Сен қаерга курсга борасан? – деб қизиқишди. Шунда қизалоқ:

– Бизнинг маҳаллада бир ногирон ўқитувчи опа бор. Рус тили фанидан дарс берганлар, ўша ўқитувчи катта бир уйда бир ўзи ёлғиз яшайди, машина уриб кетиб оёқлари ишламай қолган. Мен уларга овқат қилиб бераман, кирларини юваман ва ҳовлиларини супуриб-сидираман. Буни эвазига улар менга рус тилини ўргатадилар, – деди.

Суҳбатга кекса бир аёл қўшилди.

– Қизим, ўша

ўқитувчингни фарзандлари йўқми?

– Учта паҳлавондек ўғиллари бор. Устозимнинг айтишларича улар ҳозир “командировка”да эмиш. Устозим ҳар доим бир фарзандим шифокор, бири тадбиркор, яна бири мен каби ўқитувчи. Ҳаммаси уй-жойли деб фахрланганлари, фахрланган. Лекин бир йилдан бери “уч паҳлавондан” ҳам дарак йўқ. Ҳуллас ўшалар мени ўқитувчим.

Хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг автобусда ҳамманинг кўзига ёш келди. Қари онахонлар қўлларини очиб, қизалоқни дуо қилишди. Аввалига қизалоқдан жирканган танноз қизлардан бири уни кучоқлаб юзларидан ўпиб қўйди. Мени ичимдан нималар ўтгани фақат ўзимгагина аён. Тенгдошларим орасида ҳамма шароитлари бор, замонавий мактабда ўқиб, ўзбек тилини ҳам аранг биладиганлари бор.

“
Лўли қиз сумкасидан битта тешик кулча олиб болага узатди. Болакай шоша-пиша кулчага қўл узатган эди унинг дадаси бир силтаб ўғлини ёнига тортиб олди ва қизга қараб: – Мени ўғлим лўлиларнинг қўлидан овқат емайди, – деб бақириб берди.
”

Маҳалламиздаги ёлғиз ўзи яшайдиган Робия бувидан бирор маротаба бўлса ҳам хабар олмаган қўни-қўшнилар қанча? Шуларни ўйлаб, ўзимдан уялиб кетдим.

Манзилга етиб боришимизга чамаси йигирма дақиқалар қолганда лўли қизалоқ сергаклик билан ўрnidан турди-да бир эркак томонга юриб келиб, шундай деди.

– “Баклашка”ни узатиб юборинг Илтимос.

– Қанақа “баклашка” ? – худдики билмагандек сўради.

– Сувини ичиб, ўриндиқни тагига ташлаган баклашкангизни.

Эркак бамисоли помидор каби қизариб кетди. – Мана қизим, – деди овози ҳириллаб. Қизалоқ ҳамманинг қўлидаги сув идишларни йиғиб, онасининг қўлидаги катта сумкага солди.

Автобус “Чустий” бекатига келиб тўхтади. Ҳамма йўл ҳаққини тўлаб туша бошлади. Навбат лўли қизга келди ва қўлидаги ғижимланган пулларни ҳайдовчига узатиб, иккита савол берди. – Чипта сотувчингиз йўқми? Чипта қани?

Довдираб қолган ҳайдовчи: – Чипта сотувчисиз ишлайман, қанақа чипта, – деди. Қизалоқ эса: – Автобус давлатникими ёки ўзингиз сотиб олганмисиз, – деди. Ҳайдовчи уялганидан, “Майли қизим сен тушиб кетавер, сенга текин”, деди пулни узатиб. Аммо қизнинг онаси унга қараб соқовлар тилида бир нималар деган эди қиз пулни ҳайдовчига қайтариб берди. Ана бўлмасам бу аёл қизнинг онаси экан. Қизга тарбия берган инсон ҳам шу гунг аёл экан.

Ушбу воқеадан кейин кўп ўйладим ва шундай хулосага келдим. Инсоният яралибдики атрофдагиларга гўзал ва ёқимли кўринишга уринади. Аммо

қаерда яшамайлик, қандай миллатга мансуб бўлмайлик бизни чин инсоний-лигимизни тарбиямиз кўрсатиб туради.

Равшанбек РАЙСОВ,
Наманган шаҳридаги 82-мактаб ўқувчиси.

ОТАЛИК МАҚОМИНИНГ УСТУНЛИГИ

Ёзаётган ижодим журналистиканинг қайси жанрига мансуб бўлиши ҳақида ҳозирча билмайман. Аммо уни кўнгил соҳасининг самимият йўналишида битишни мақсад қилдим.

Публицист Зухриддин Исомиддиннинг бир мақоласида тилимизда нотўғри қўлланиладиган баъзи сўзлар, бирикмалар ҳақида фикр юритилган. Очиғи, кўп нарса ўргандим. Эътиборимни тортгани мақола сўнггида тўхталиб ўтилган масала – одам ва инсон сўзларининг қўлланилиш муаммоси. Кўпчилик синоним тарзда фойдаланиладиган бу икки сўз ўртасида аслида шимол билан жануб қадар фарқ борлигини англадим. Ўзимча хулоса қилдим: Энди ҳаммиша айнан шу икки сўзнинг ишлатилишига диққат қаратаман. Дарвоқе, мақола муаллифи олийгоҳдаги маҳоратли устозларимиздан бирининг дадаси эканлиги ҳам назаримдан четда қолмади. Ўқитувчимиз отасига муносиб қиз бўлган экан деган фикр хаёлимдан ўтди. Эртасига айна шу устозимиз билан таассуротларимни улашдим. Мақола менга ҳақиқатан ҳам

ёқаркан, опанинг юзида мамнуният ва меҳрнинг аксини кўрдим.

Мақолада айтилганидек, инсон бу – шунчаки, одам эмас. У тирик ва маънавий етук шахс. Демак атрофимизда одамлар кўп. Аммо инсон бўла олган одамлар сони сийрак. Сабаби бу “иш” ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Мақоладаги фикрларнинг мағзини ўзимнинг ҳаётимга нисбат қилган ҳолда чақишга уриндим. Айнан шу асарда тилга олинган инсоннинг ҳаётимда мавжуд. Ва, яратганга шукрки, мен у билан бир том остида яшайман, суҳбатлашаман, баъзида аразлашиб қолишим ҳам мумкин. У – менинг дадам.

Падарим ҳаммиша яратганга шукрона айтишни, бориға қаноату, йўғига сабр қилишни қанда қилмаган. Ва айна хислатларни биз фарзандларига ҳам юктиришга уринади. Бунинг учун у соатлаб насиҳат айтмаган шу кунга қадар. Биргина дастурхон тепасида айтиладиган сўзлар орқали энг яхши фазилатлар кулоғимизга кўрғошиндек

қуюлган. Отамнинг нақадар камтарлигини атрофдагилар билан мулоқотга киришганида яққол сезиш мумкин. Улар инсонга инсондек, одамга одамдек муомала қилишга ўрганган. Ташқи томонлама ҳам одмиликка интилади. Кийиниши, сўзлари, ҳатто ейдиган таомлари ҳам жўнгина. Дабдабабозлик дадамга тескари таъсир ўтказиб, доимо ўзидан итарарди. Масалан, ҳар йили дадамнинг туғилган куни уйимиз

қимматбаҳо совғаларга тўлиб-тошади. Танишбилишлар диди чакки бўлмаса керак деган ўйда фалон пуллик, аммо аксарият ҳолларда кераксиз буюмларни ҳадя қилишади. Дадам эса улардан ҳатто кераклиларидан фойдаланиш туғул, нималар борлигини ҳам унутиб қўяди. Тухфалар яна бошқа бирор кишининг туғилган куни муносабати билан онам беркитиб қўйган жойдан олиними мумкин холос. Айримлари йиллаб бир жойда сақланаверади.

Кўпинча оналар ҳақида битилган мисралар, куйланган кўшиқлар, роман, фильм, хуллас, минглаб ижод намуна-

ларини учратамиз. Аммо оталар ҳақида жуда кам ижод қилинади. Тўғри, ҳар биримиз онамизни жондан суямиз. Бироқ бу дадамизга меҳр йўқ дегани эмас. Боз устига оталарнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳеч қандай ортиқча ҳаракатларсиз, амалларсиз ҳам дурдона асарлар қолдиришга арзигулик. Оталик мақоми барча тушунчалардан устун. Дунёда шу тушунча борлигининг ўзи катта гап. У кимгадир дўст, кимгадир назорат, яна кимгадир муаммони англатса-да, унинг тақдиримизда мавжудлиги чиндан ҳам бахт.

Дарвоқе, университетимизда яна бир аёл ўқитувчи бор. Унинг дадаси ҳам халққа нафи теккан шахслардан. Қизи эса отасининг давомчиси, ҳатто соҳа доирасида ундан ўзиб кетган. Аммо мен келажакда ҳар жабҳада дадамдан ўзиб кетишни истамайман. Шунчаки уларга муносиб камтарин фарзанд, қисқагина айтганда, отасининг қизи бўлишни ният қиламан.

Садоқат САМАНДАРОВА,
журналист.

ЭЪЛОН

Сергели туманида 2020 йил 18 майда ташкил этилган “QUMARIQ MARKET” оилавий корхона тугатилганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

“KELIN OLISHGA CHO‘CHIYMAN...”

Анча вақтдан буён келин излаб юрган аммамга, маҳалламизда яшайдиган бир қизни тавсия қилдим:

– Амма, Висола опани қизи Нодира бор-ку, жуда чиройли қиз бўлган-да. Ҳозир университетда учинчи курс, ўшани келин қилиб қўя қолсангиз-чи!?

– Уни келин қилишга чўчийманда, бўлмаса сендан бошқалар ҳам тавсия қилишди...

– Ия, нимаси кўрқинчли экан тушунмадим..?

– Қизни суриштирдим, болалигидан рус тилидаги боғча, мактабларда ўқиган, ҳатто университетда ҳам рус гуруҳда экан. Юриш-туриши ҳам бизнинг қизлардек эмас. Уйдан чиқиб атрофларни супириб-сидиришни, ўтган-кетганга салом беришни билмаса, ундан қандай келин чиқади ахир!?

– Ҳа шундай денг. Ундай бўлса бу қийин масала...

Аммам айтган гаплар мени ўйлантириб қўйди, наҳотки ҳамма рус синфда ўқийдиган қизлар ҳам шундай бўлса? Бу кетишда улар қандай қилиб ўзбегимнинг келини бўлишар экан..?

Бу борада тили куйган ва чора топганлар билан суҳбатлашиб кўнглимиз анча хотиржам бўлди. Ахир ҳар ишнинг устаси бор дейишган.

“Қайнонамнинг панд-насихатлари далда бўлди...”

– Келин бўлиб тушганимга 6 йилдан ошди, – дейди Гулноза Ҳайдарова. – Ойим ўзлари рус тилини ўрганишда қийналганлари, кўчада тилни яхши билмасликларидан кўп хижолат чекканлари учун ҳам мени рус синфида ўқитган эканлар. Кейин ўзимнинг қизиқишим устунлик қилиб, олийгоҳда ҳам рус гуруҳда ўқишга қарор қилдим. Курсдош дугоналаримнинг кўпчилиги бошқа миллатга мансуб эди. Уларнинг куни калта-култа қийимлар кийиб, дискотека ва сайру саёҳатлар билан ўтарди. Мени оила аъзоларим бирор марта бўлсин улар билан сайр қилишимга рухсат беришмади. Хуллас, мен номигагина рус гуруҳда ўқир эдим. Бошида келган совчиларнинг кўпчилиги мени



келин қилишга ўйланиб қолишди. Рус тилида ўқиган қизни иккиланмай келин қилишга чўчишлари табиий. Лекин бизнинг оилавий муҳитни ўз кўзлари билан кўргач, фикрлари ўзгарди. Келин бўлган хонадоним мени яхши қабул қилишди. Баъзи нарсаларни билмаслигим панд берган бўлсада (ўзбекча сўзларни гоҳида нутиб кўярдим, таржимасини тополмай қийналардим, кўп миллий таомларни қила олмас эдим, миллий удумлардан тўлиқ хабарим йўқ эди), қайнонамнинг панд-насихатлари ва қўллаб-қувватлашлари менга далда бўлди. Икки йилда ҳамма нарсани ўрганиб олдим, Худога шукур ҳозир оилам тинч.

“ЗАМОНАВИЙ КЕЛИНЛИ БЎЛАМАН ДЕБ...”

– Тўнғич ўғлимга минг ҳаваслар билан келин олдим. Келиним ҳам чиройли, ҳам ақлли ва замонавий бўлишини истаб узоқ вақт изладим, – дейди Тошкент вилоятида яшовчи Санобар опа. – Танлаб-танлаб тозисига учраган деганла-

Тухум сариғида инсон учун зарур бўлган барча микроэлементлар мавжуд. Шу сабабли эрталаб ҳар қандай шаклда тухум истеъмол қилиш мумкин.

ридек, келиним замонавий бўлади дея бўйлари узун, келишган, рустабиат қизни келин қилдим. Уни ўздан ҳам кўра зиёли ва замонавий оиласига ишқивоз бўлибман.

Вақт ўтиб “замонавий” келинлик бўлиш таъмини тотдим. Мени эркатой келиним эрталаб салом беришни, кўча-кўйни супуришни билмасди, овқат қилишни ўргатаман дея эсим чиқаёзди. Фақат русчалаб гапиравериш бошимни қотирарди. Кейинчалик эрига ҳам итоат қилгиси келмай қолди, ўзини айтишича бу ҳаёт уни зериктирган эмиш.

Хуллас уни бундай “зерикарли” ҳаётдан халос этдик, чунки ўзининг тили билан айтганда биздек “қолоқ” оилада яшашни истамади. Миллий удумларимиздан хабардор, зиёли оиланинг бир қизини келин қилдик. Уни ҳам биринчи рўзғори бузилган экан.

Бир йил ўтар-ўтмас опам ҳам рус гуруҳда ўқийдиган келин олди. Қарасам бинойидек ҳамма насага укуви бор, тили ширин қиз. Янги келиннинг онаси билан суҳбатда бўлгач, қаерда хато

қилганимни яхшигина тушундим... Менинг келиним ва опамнинг келинини орасидаги фарқ уларнинг онасида, яъни, улар берган тарбияда экан.

“БАРЧАСИ ОИЛАВИЙ МУҲИТ, ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ”

Сайёра АТАУЛЛАЕВА: Паст Дарғом туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари:

– Қизларнинг рус ё ўзбек синфида ўқигани учун яхши келин бўлмади, оиласида нотинчликлар бўлди, деган фикрлар унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Сабаби унинг қандай тарбия кўриши аввало, оилада шаклланади. Оиладаги муҳит қадриятларимизга мос бўлиб, тарбия ўзбеккона бўлса инглиз синфида ўқиган қиз ҳам шу тутумларни келажақда албатта амалга оширади.

Ўзим истиқомат қилаётган Жума шаҳрини оладиган бўлсам, бу ерда азалдан рус синфлари фаолият олиб борган. Ота-оналар ҳам фарзандларини тилни яхши ўргатган деган мақсадда, рус тилида таҳсил оладиган синфларга қўйишга ҳаракат қилишади. Энди бунинг яхши ё ёмон томонлари алоҳида бир мавзу. Лекин рус синфида таҳсил олиб, оилада келишмовчилик келиб чиққан оилалар бўлганини эшитганим йўқ. Фаолиятим тақозосига кўра, узоқ йиллардан бери оилалар билан ишладим, хонадондаги нотинчликларни ўрганишимга тўғри келган. Аммо бу каби ҳолатларга дуч келганим йўқ. Юқорида таъкидлаганимдай, барчаси аввало, оилавий муҳитга, тарбияга, ўша қизнинг фаросатига боғлиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, биз ҳаммамиз бир-биримиз учун тарбиячимиз. Оилани эса бежизга тарбия ўчоғи деб баҳолашмайди. Ана ўша оиладаги ота-она фарзандлар учун мисоли бир кўзгү. Фарзандларнинг қандай феъл-атворга, маданиятга, ақл-фаросатга эга қилиб тарбиялангани уларнинг маҳоратларига боғлиқ.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ҲОДИ НАМИША ҚАЛБИМИЗДА

Шундай инсонлар борки, улар илм-фаннинг ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, қанчадан-қанча шогирдларнинг меҳрибон устозига айланадилар. Эзгу ишлари, ҳалоллиги, камтар ва фидоийлиги билан эл ҳурматига сазовор бўладилар. Бу дунёдан кетганларидан кейин ҳам яхши ном билан ёдимизда қоладилар. Ёзувчи Асқад Мухтор айтганидек:

*Умр йўли – оёқ изи эмас,
Уни на қор, на чане боса олади,
У қора чизиқдай, ё нурдай муқаддас,
Бўлиб эл дилида мангу қолади.*

Умрини илм-маърифатга бахшида этган наманганлик Собиржон ака Мирзаев номини уни таниган-билганлар чуқур эҳтиром билан ёдга оладилар. 1940 йил Қайқи қишлоғида Мирзааҳмад ота ва Тўтихон буви хонадонидан таваллуд топган Собиржон Мирзаев 8-ўрта мактабни тамомлаб, жамоа хўжалигида ишлади. Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1968 йилда иқтисодчи дипломини олди ва жа-



моа хўжалигида бош иқтисодчи вазифасида иш бошлади.

Илм эгаллашга бўлган қизиқиш туфайли 1971 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида, 1972-1975 йилларда шу институтнинг аспи-

рантурасида ўқиди. Йиллар давомида илмий изланишлар олиб борди. 1977 йилда “Пиллачиликда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У киши қишлоқдаги биринчи фан номзоди эди. Аввал вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош иқтисодчи, сўнгра Андижон пахтачилик институти катта ўқитувчиси, доценти сифатида фаолият олиб борди. Нафақага чиққач, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

Собиржон ака оилада меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи Жўраҳон ая билан қирқ олти йил бахти бекамликда яшашди. Уч ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдилар.

Тўнғич ўғил Алишер ота изидан борди. У қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. Алишер дастлаб Андижон қишлоқ хўжалиги институтида меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса, 2001 йилдан бери Наманган муҳандислик-технология институтида декан ўринбосари, илмий котиб,

Собиржон ака оилада меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи Жўраҳон ая билан қирқ олти йил бахти бекамликда яшашди. Уч ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Тўнғич ўғил Алишер ота изидан борди. У қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент.

Xotira

кафедра мудири, доцент лавозимларида самарали фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, Шухратжон – муҳандис, Қобилжон – молиячи. Қизлари Зулфира ва Фотима оналари каби ҳамширалик касбини танлашган.

– Раҳматли умр йўлдошим ҳалол инсон эдилар, – дейди Жўраҳон ая. – Ёлғон гапиришни ёқтирмасдилар. Ўқиб-ўрганишдан чарчамасдилар. 2010 йилда муборак ҳаж сафарига бориб келдик.

Ҳа, устоз мазмунли умр кечирди. Кўплаб илмий-услубий мақолалари матбуотда, илмий тўпламларда чоп этилди. Бугунги кунда унинг эзгу ишларини Рустамжон Исроилов, Абдулаҳад Шерматов, Улуғбек Турсунов, Мирзохид Бекмирзаев, Шерзодбек Мурадов сингари ўнлаб шогирдлари давом эттирмоқдалар.

Айтишларича, олим ва ижодкор одамлар ҳаётда беш марта: ўзлари, фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўсту-биродарлари, шогирдлари қалбида ҳамда яратган асарларида яшар эканлар. Собиржон ака бугун ҳаёт бўлганларида, 80 ёшни қарши олган бўлар эдилар. Қаҳрамонимиз гарчи оламдан ўтган бўлса-да, ёди дилларда мангу барҳаёт.

**Адашали БЕКМИРЗАЕВ,
Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгаши депутати, Халқ таълими аълочиси.**

ISHDA BADANTARBIYA

Бир жойда ўтириб ишлашнинг зарари ҳақида яхши биламиз. Идорада ўтказилган бир кун давомида мушаклар деярли ҳаракатсиз ҳолда бўлади. Бўйин, бел ва оёқлар увишиб қолади, ишнинг бир маромда давом этиши эса чарчоқ, бош оғриғи ва ҳатто руҳий сиқилишга ҳам олиб келиши мумкин. Бироқ буларга қарши курашишнинг ажойиб усули бор – шунчаки ишхонадаги фаолиятни мураккаб бўлмаган жисмоний машқлар билан уйғунлаштириш кифоя.

Тиззани букиб ўтириш. Асосийси – уларни техник жиҳатдан тўғри бажариш: оёқ кафтини ердан узмай, гўё ортда турган стулга ўтирмоқчи бўлгандек охиригача ҳаракат қилинг. Бунда кўлларни бош орқасида ёки олдинга чўзган ҳолда ушлаш мумкин. Бошланишида ушбу машқни 10 маротаба бажариб, кейинчалик сонини оширсан бўлади.

Елкаларни кўтариш. Кўлларингизга сув солинган шиша идишини олинг, қаддингизни тик тутиб, кўлларни тана бўйлаб туширинг.



Елкаларни юқорига кўтаринг, гўё уларни қулоқларга етказмоқчи бўлгандек, сўнгра худди шу тарзда секин туширинг. 10–15 маротаба такрорланг.

Оромкурсида учинг. Агар айланадиган стулда ўтириб ишласангиз, улардан елка, бел, кўкрак, қорин, кўл мушакларини мустақамлашда фойдаланинг. Столдан унинг учини кўл билан ушлаш мумкин бўлган даражада узоқлашинг, кўл кучига зўр бериб, ўзингизни оромкурси билан бирга стол тарафга тортинг, сўнгра куч билан итарилиб, ортга қайтинг. Бу машқни бир неча бор такрорланг.

Кўл ва бел учун

Кўлларни телефонда суҳбатлашиш, хужжатлар билан ишлаш, янгиликларни кўриб чиқиш жараёнида ҳам чиниқтириш мумкин. Бунда кафтингиз билан столни кучли босиб,

уни кўтармоқчи ёки бурмоқчи бўлгандек ҳаракат қилинг. Шу тариқа икки кўлни бир вақтнинг ўзида ёки ўнг ва чап кўлни алоҳида-алоҳида чиниқтириш мумкин.

Стулда ўтирган ҳолда ҳам мушакларга ишлов беришнинг иложи бор. Бунда кўллар билан ўриндиқнинг икки четини ушлаб, ўзингизни кўтармоқчи бўлаётгандек қаттиқ тортасиз. Олдинга ва орқага энгашишларни кўшиб, самарани кучайтиринг. Бир кўл билан иккинчисининг билагидан тутганча кўлларни олдинга ҳар қандай чўзиш бел мушаклари тонусига ижобий таъсир қилади.

Оёқ ва қорин учун

Ўриндиқнинг учига ўтириб, оёқларни 90 даража бурчакда букилган ҳолда ҳар бир оёқни навбат билан ростлайсиз. Машқни мураккаблаштиришни истасангиз, ерга товонни ҳар сафар турлича ҳолда қайтаринг.

Кўзлар учун

Учта оддий машқ кўзларни чарчоқдан халос этади:

– 30 сония давомида кўзларни тез-тез ва энгил пирпиратинг. Ҳар ярим соатда буни такрорланг;

– тўғри ўтириб, бошни тик тутинг ва бу бош ҳолатни ўзгартирмаган ҳолда юқорига, сўнг пастга қаранг. Бир неча бор такрорлагач, кўзларни тез-тез пирпиратиб, бир неча сония уларни юминг;

– кўзингизни катта очинг – гўё нимадандир қаттиқ ажаблангандек, дастлабки ҳолатга қайтинг. Бу машқни бир неча бор қайтаринг. Ушиш ва кўз остидаги кўкимтир халтачаларни камайтиради.

Юриш – кони фойда

Иложи борича камроқ ўтириб, кўпроқ юришга ҳаракат қилинг. Бўш вақтингизда коридорни айланиб чиқинг, тушлик маҳали тамаддиҳонага пиёда бориб келинг. Ҳамкасбларингиз билан мессенжер ёки ижтимоий тармоқларда ёзишиш ўрнига, вақтдан фойдаланиб, камида 1-2 километр юришга одатланинг. Ана шунда организмнинг хасталиклардан холи бўлади, ўзингизда эса ишчанлик ошади.



SHAMOLLASHNING OLDINI OLGAN MA'QUL

Кўпчилик кундалик юмушлар билан бўлиб, шамоллашга жиддий эътибор қаратмайди. Ушбу хасталик ўз вақтида даволанмаса, ўпка шамоллаши, бронхит, зотилжам ва яна бир қатор хавфли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Совуқ кунларда бош оғриғи, тумов, йўтал каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқарувчи шамоллаш ва грипп хасталиги билан оғримай десангиз, авваламбор таркибида С витамини мавжуд бўлган маҳсулотларни истеъмол қилинг. Ушбу витамин карам, кашнич, кўкати, олхўри, лимон, киви, нўхат, кулупнай, бақлажон, помидор, картошка, пиёз, қовун, апельсин, мандарин, лимон ва ҳайвонлар жигарида кўп миқдорда учрайди. С витамини юқумли касалликларнинг олдини олишда энг яхши кўмакчи ҳисобланади. У организмни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилади.

Ҳаво-томчи йўли орқали юқадиган касалликларнинг олдини олишнинг энг яхши усулларида бири саримсоқ пиёз ва пиёз истеъмол қилиб туришдир. Тўғриси бу усулни уйда, оила даврасида қўллаган маъқулроқ. Ўрни келганда айтиш жоизки, оғзингиздан саримсоқ хиди келиб туришини истамасангиз, ундан сўнг кашнич кўкати ёки бир чимдим майдаланган қаҳвани чайнаб юборсангиз, нохуш ҳиддан фориғ бўласиз. Пиёз ва саримсоқ пиёз тановул қилишни ёқтирмайдиганлар учун эса яна бир усул: ликопчага пиёзни майдалаб тўғраб, хона ичига 12 соатга қўйинг, у хонадаги инфекция ва микробларнинг нобуд бўлишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, сут маҳсулотлари ҳам инсон саломатлиги учун муҳим омил ҳисобланади. Кунда сут-қатик, пишлоқ, йогурт, творог каби сут маҳсулотларини истеъмол қилиб туришни қанда қилмасангиз, ошқозон-ичак йўллари фаолияти ўз меъёрида бўлади ва бу билан организмнинг иммун тизими мустақамланади.

Совуқ қотиб, ўзингизда шамоллаш аломатларини сезган заҳотингиз куйидаги маслаҳатларга амал қилинг: авваламбор, оёқларингизни хантал кукуни солинган (ҳарорати 36–40 даражали) сувда 10 дақиқа ушлаб туринг. Ёгингарчилик кунлари пойабзалингиздан сув ўтган бўлса, оёқларингизни ароқ ёки спирт билан яхшилаб ишқалаб артинг ва қуруқ, юмшоқ пайпоқ кийиб олинг. Сўнг 2-3 пиёла малина, лимон ёки асал чой ичинг. Иссиқроқ кийиниб, тўшақда ўралиб ётинг. Уйқу жараёнида яхшилаб терласангиз, эртаси кунни соппа-соғ ҳолда уйғонасиз.

Яримта лимон шарбатига яна шунча қайнаган сув қўйинг ва бир ош қошиқ асал солиб, аралаштиринг. Ушбу шифобахш ичимликни ҳар кун эрталаб, нонуштадан 15 дақиқа олдин ичиб турсангиз фойдадан холи бўлмайди. У ҳолсизланишнинг олдини олади, организмни чиниқтиради ва мустақамлайди.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

TVOROGNI KO'P YEYISHNING ZARARI HAM BOR

Творогнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Айниқса организмни кальций ва бошқа зарур моддалар билан таъминлайди. Ҳар хил творогли пишлоқлар, яъни сироклар, десертлар мазали бўлгани билан уларнинг фойдали хусусияти деярли йўқ. Чунки уларни тайёрлашда турли сунъий моддалар қўшилади.

Творог ўзида аминокислоталар, сут кислоталарини, кўпгина витамин ва минералларни сақлайди. Атеросклероз, гипертония ва жигар хасталиклари билан оғриган беморларга ёғсиз творог буюрилади. Суяк синиши, лат ейиш, турли хилдаги жароҳатларда сут, қатик билан бирга, творог истеъмол қилиш фойдали. Асабий, жиззаки ва сурункали чарчоқ аломатларидан шикоят қиладиганларга кўпроқ творог ейиш тавсия этилади, унинг таркибидаги фойдали бирикмалар асаб тизимини тинчлантиради. Томоқ оғриғида қуруқ творогни озроқ асал билан аралаштириб истеъмол қилинса, бронхларни юмшатади.

Ёғли творогдан қуруқ юз териси учун ниқоб ўрнида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуруқ творог озроқ ўсимлик ёғи аралаштириб юз терисига суртилади. Бу ниқоб терини озиклантиради ва юмшатади. Айримлар творогга сметана ва шакар қўшиб истеъмол қилишни хуш кўришади. Аммо творогнинг шираси қанча кўп бўлса, фойдали хусусияти камайишини ҳам унутманг.

Аллерголог мутахассисларнинг фикрича, творог қанчалик фойдали бўлмасин, кўп ейиш зарарли бўлиб, ташқи ва ички аллергиянинг кўзғалишига сабаб бўлиши мумкин. Унинг дастлабки белгилари: баданга қизил тошмалар тошади, оғиз бўшлиғи ҳамда лаблар шишади. Бундан ташқари, кўнгил беҳузур бўлиб, қайт қилиш мумкин. Бу белгилар намоён бўлиши билан дарҳол аллергиялог-шифокорга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Творогдан нафақат ширин десертлар ва пишириқлар, балки ҳар хил салатлар, шўрвалар ҳам тайёрланади. Бундай таомларни истеъмол қилганда, табиийки, организм керакли витамин ва минералларга тўйинади, чунки творог пишганда ҳам ўзининг фойдали хусусиятларини сақлаб қолади.

Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

Pastdarg' omnlilik shoir Farmon Xudoyberdiyev tavalludiga 80 yil to'ldi

«MEN ELIMGGA BO'LDIM JO'ROVOZ...»

Шоирлик – қисмат,
шоирлик – ўзгалар
бахту омадини

омадлидек, дарду ғамини гўёки
ғамдошдай юрагига жо эта
олиш масъулияти, эл дардини
ўз дардидан устун қўя билмоқ
саодати...

Ўзининг халқчил, самимий сатрлари билан мухлислар кўнглини қалқита олган ажойиб инсон, пастдарғомлик шоир Фармон Худойбердиев ҳам юрт саодати, миллат руҳи, истиқлол неъматларини чанқоқлик, эътиқод билан куйлай олган қалам соҳибларидан бири эди.

Профессор Исроил Мирзаев Фармон Худойбердиев шеърлари хусусида сўз юритар экан, «Буюк Турон, кекса Туркистон, она Ўзбекистон, хур ватан, озод руҳ, эркин фикрлаш, инсон бахт-саодати, куёш тафти, ой жамоли, юлдузлар ёғдуси, парвозли қўшлар қўшиғи, шаҳар ва қишлоқлар кўрки, фасллар фалсафаси, гўзал манзаралар, ширин хаёллар, замонлар, тақдирлар, чўлларни ўзлаштираётган меҳнатсевар инсонлар — ҳамма-ҳаммаси ижодкор қаламининг қайрашига туртки берадиган илҳом рутбаси» бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шоир қаламига мансуб «Истиқлол фарзандиман», «Чўл оҳанглари», «Кўнгиш гулчамбари», «Умр ёлқини», «Мажнунтол», «Кўзмунчоқ», «Тумор», «Камол» каби турли шеърини тўпламларига киритилган ҳаётбахш битикларида ижодкор ўзбек деҳқонининг образини белда белбоғи, бошда дўпписи, елкасида кетмони билан ўқувчи кўз ўнгига ёрқин гавдалантиради. Булоқдан сизиб чиқаётган



зиллол сувдек кишини гоҳ чаманзорга, гоҳ боғу бўстонга, баъзида ҳадсиз кенгликда «қовун тилик» ларидек ер бағрини қудратли техникалар бир текис шудгорлаётган жараёнларга «етақлайди».

1940 йил 26 сентябрда Паст Дарғом туманининг Найман маҳалласида таваллуд топган Ф. Худойбердиевнинг ижодга ҳаваси болалигидан уйғонган. Ўрта мактаб таълимидан сўнг Самарқанд шаҳридаги механизация техникумида ўқиб юрган кезлари ўқитувчилар унга «Сен адашиб бу ерга келгансан» деркан. Сабаби қаерда ўқимасин, қаерда ишламасин, у қоғоз ва қаламни доимий ҳамроҳи деб билди. Кейинчалик Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олди.

Самарқанд шаҳридаги 2522-автокорхонада ишлади. Сўнг Паст Дарғом туманидаги 6-сонли автокорхонага директор бўлди. 1993-2000 йиллар тумандаги Саид Бекмуродов номли хўжаликка раҳбарлик қилди. Ўша йиллари Найман, Мирзатўп, Номозгоҳ маҳаллаларини обод қилиш, кўчаларига асфальт ётқизиш, йўл четларига дарахт кўчатлари экиш, янги уй-жойлар барпо этиш каби эзгу ишларга бош-қош бўлди. Эл билан ҳамдардлиги, халқ ташвиши билан яшагани қалбида чўғ бўлган шеър-рияга ихлосмандлик оловини алангалатиб, кўлига қалам тутган бўлса ажаб эмас. Шу сабаб кўрган-билганлари, одамларга меҳри, ҳаётга, атрофдагиларга чексиз муҳаббати қоғозга шеър бўлиб тўкилди.

«Бугун хурман, тошқин дарёман,
Истиқлол-ла юксалди бу соз.
Шеър ишқида ҳадсиз дунёман,
Мен элимга бўлдим жўровоз».

Чунончи, «элга жўровоз бўлиш учун» инсон халқ дардига камарбаста бўлиши, юрак нолаларини тинглай олишга қодир мард, сахий ва дилкаш бўлиши лозим.

— 1980 йиллар. Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида агроном бўлиб ишлайман, — дея эслайди 83 ёшли Ғаффор Каримов. — Ўша йили ғалла ҳосили мўл бўлди. Ўрим комбайнлари ишга тушган, аммо ташишга эса техника етишмайди. Шунда директор ўзим туғилиб ўсган тумандан машина олиб келишим зарурлигини айтди. Бир энлик хат билан «райком»нинг биринчи котиби олдига кирдим. Хатда 20 та машина зарурлиги кўрсатилган эди. Саркотиб менга автокорхона директори Фармон Худойбердиевнинг манзилини берди ва шу киши ёрдам кўрсатишини айтди.

Мени очик кўнгиллилик, самимий чеҳра билан кутиб олган киши «дард» имни тинглагач, чўлқуварларга аталган шеърни ўқиб берди. Гап орасида дон, нон билан боғлиқ элликка яқин ҳикматли сўз ва ҳадисларни келтириб ўтди. Ҳайрон қолдим. Корхона директори дегани бошқа шекилли, дея ўйлайман ичимда. Ажабланганимни кўриб, изоҳ берди. Столида турган қалин дафтарни кўрсатиб, «Шеър-иятни яхши кўраман. Илҳом келганида, қораламаларимни мана шу дафтарга жойлайман».

— Тушундим. Мен ҳам агрономман. Ижодга қизиқаман, — дедим. Икки «ижодкор» анча гурунглашдик. Сўнг «Сизга 20 та эмас, 50 та машина берамиз, буғдойингизни ташиб олинг», — деди ва оқ йўл тилади. Шунда у кишининг самимий, оқил фикрли инсон эканига ҳавасим келган.

«Гул поёндоз дўстлар йўлига,
Кўлни бердим дўстлар кўлига.
Ариқ қазиб сувлар оқиздим,
Она юртим саҳро, чўлига.
Зарра тоши менинг жонимдир,
Қатра суви менинг қонимдир.
Лочин бўлиб парвоз айладим,
Юртим менинг шараф-шонимдир».

Ҳа, ижод боғлари аслида сўлмас боғ, бу боғнинг яратувчиси эса асрлар оша мангу сўзларда, эзгуликтаб яракларда яшайверади. Фармон Худойбердиев ўз заҳматлари, абадиятга дахлдор ижоди билан мана шу боғда яхшилик, мангулик ҳайкалин ярата олган инсонлардан бири. У киши ҳаёт бўлганида айни дамда 80 ёшни қаршилаган бўларди. Яхшилар, етук сўз усталари мангуга тирикдир. Сониялар, соатлар, ойлар, йиллар давомида янада улуғлашиб, юракларга муҳрланиб бораверади.

Санакул ХУРСАНОВ,
1-даражали «Меҳнат фаҳрийси»
кўкрак нишони соҳиби.
Бахтиёр ШУКУРОВ,
«Паст Дарғом ҳақиқати» газетаси
бош муҳаррири.



Кўз

Саҳар чоғи, сукутда борлик
Уйқум келмай тонгни
кузатдим.

Оппоқ қиров, дийдирар шамол,
Хазон тўлган боғни кузатдим.
Қалбим нотинч,

гуллар яланғоч,

Япроқлардан асар қолмаган.
Осмон эса шу қадар ғамгин,
Булутларин йиғиб олмаган.
Вужудимни титратар
шамол,

Ўз ҳукмини ўтказган каби.
Олтин барглар оҳиста оқар,
Кўринмайди ариқнинг лаби.
Кўкка боқдим, қушлар галаси
Парвоз этар жанубга томон.
Нимагадир мунгли ноласи
Юрагимни қийнайди чунон.
Кўккам чоғи қайтамиз дея,
Гул ўлкага боқадилар лол.
Токи юрак қоларкан бунда,
Кўнгиш узиб кетмоқлик
малол...

To'rtliklar

Бойликларга кондир она ер,
Тинмай ишла, фидойи бўл дер.
Мен чўлларни обод айладим,
Юрагимга сизиб кирди шеър.

Булутлар тарқалди, осмон кўринди,
Олдинда бир юксак доvon кўринди.
Эллик йил сарфладим кўзим зиёсин,
Барибир, машқимда армон кўринди.

Ётган қайроқ тошни тепиб
ўтмангиз,
Ундан бир ёмонлик асло кутмангиз.
Пойдевор бўлади гар қурсангиз уй,
Тошда ҳам наф бўлар, ҳеч
унутмангиз.

Ҳар битта майсадан илҳом
олганман,
Оташ юрагимга ҳайрат солганман.
Бўзтўрғай, лочинлар достон
айтарди,
Шунда шеърга ошиқ бўлиб
қолганман.

Azim chinorsiz...

Кўлимда кўёшни тутмоқ бўлардим,
Бунинг уддасидан чиқмадим, нетай.
Кўнгиш денгизидан қалқиб тўлардим,
Йўлимга ғов бўлди риёкор атай.

Сабр, матонатдан нолимас эдим,
Ёшлиқ кувватимни тўкдим саҳрога.
Жонимни аямай оловга бердим,
Саҳролар ўрнида гулистон пайдо.

Қип-қизил кумларда яратдим бўстон,
Чинор соясидан дам олиб ўтинг.
Кўзимнинг нурини таратдим даштга,
Бахтиёрлик созин хўп чалиб ўтинг.
Гулларим эгилиб салом беради,
Олма, узумлардан кўринг-да, татиб.

Бодом кўксингизга маржон тақади,
Барглар чапак чалар гулдан тож тақиб.
Чўққилар бағрида охулар кезар,
Билмам, улар нени куйиб кутади?
Сойларнинг сувлари чўлларни безар,
Қора қош қизғалдоқ бода туттади.
Чақмоқ янглиғ ёшлик кетибди ташлаб,
Умидвор орзиқиб ортага боқаман.
Боқиб қолар узим — фарзандларимга,
Кўксимга шукрона нурин тақаман.

Шиддатли, шерюрак ўғил-қизларим,
Туронда сервиқор, азим чинорсиз.
Ҳаёт кўшиғини баралла айтиб,
Самарқанд кўкига туташ минорсиз.

Mehrim senga armug'on

Меҳрим сенга армуғон, Ватан
Оқ олтиндан тоғлар яратдик.
Кўлни кўлга бериб, меҳнат-ла,
Ол кўёшдек нурлар таратдик.
Кўкни ўпар хирмон, донимиз
Оппоқ дала кўзни олади.

Истиқлол-ла, бутун донимиз
Юракларга кувонч солади.
Қад кўтарди кўкка бинолар,
Эл қудратин таранум этиб.
Тўйлар бошлар элим кувончдан,
Мағрур боши осмонга етиб.

Азаматсан, шонли истиқлол,
Қутлуғ ёшинг муборак бўлсин.
Ҳар дам кулсин сенга бахт-иқбол,
Юракларда шодликлар кулсин.

Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Oila va jamiyat
**Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета**

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла
ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш”
ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга
олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ.
Адади – 1208. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи:

Мусаҳҳах:

Саҳифаловчи:

Б. Исмоилов

С. Сайдалимов

А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5